

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 378.001.91

ЮСУПОВ Муҳаммад Махмудович

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ЎҚУВ ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШ
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари
доктори, профессор Н.А.Муслимов

Жиззах– 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
I БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ БОБ. ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ	9
1.1-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш ижтимоий-методик муаммо сифатида	9
1.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг методик-психологик йўналишлари	21
1.3-§. Баҳолаш олий таълим муассасаларида талабалар касбий ўзини ўзи белгилашини ривожлантиришнинг омили сифатида	31
Биринчи боб бўйича хулосалар	42
II БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ	44
2.1-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методлари, шакллари ва воситалари	44
2.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш технологияси	60
2.3-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш модели	72
Иккинчи боб бўйича хулосалар	87
III БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ БОБ. ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	89
3.1-§. Ўқитувчи ва талабаларнинг олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг янги натижаларини баҳолашга тайёрлигини ўрганиш натижалари	89
3.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши	109
3.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини тажриба-синов ишларини статистик тахлили	111
Учинчи боб бўйича хулосалар	134
ХУЛОСА	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	151
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш, инновацион, креатив салоҳиятини ошириш, эгалланган педагогик-психологик билимлар асосида истиқболдаги касбий фаолияти учун зарур бўладиган ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш устувор масалалардан ҳисобланади. Етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида таълим олувчиларни ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва объектив баҳолаш методларини ривожлантириш, касбий етукликка эришиш жараёнида ўқув ютуқларини аниқлаш технологияларини такомиллаштириш бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим жараёни натижаларини замон талаблари асосида тўғри баҳолаш кўникмаси шаклланади.

Дунё миқёсида илм-фаннинг тезкорлик билан ривожланиши, глобал ахборот оқимларининг жадаллашуви, шахснинг касбий лаёқатини ривожлантиришга бўлган талабларнинг ортганлиги, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш заруриятини кучайтирди. Олий таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни олиб кириш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш; педагогик амалиёт жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий фаоллик кўрсатиш тажрибасини инновацион методлар ёрдамида ривожлантириш; таълим олувчиларнинг ўқув натижаларини аниқлашга ўргатишда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини педагогик имкониятларини интеграциялаш ҳамда моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Республикамиз олий таълим тизимида жаҳон талабларига мувофиқ тарзда педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ўқув-дидактик таъминоти такомиллаштирилмоқда. Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари тайёрлашнинг миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган самарали

механизмлари ишлаб чиқилди ва ушбу тизимда шахсга йўналтирилган таълимнинг устуворлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш асосида такомиллаштириш” бўйича устувор вазифалар белгиланди. Бу эса ўз навбатида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарор, 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5847-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш муаммолари мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий-шахсий сифатларни шакллантириш, уларни келажакдаги касбий фаолиятга тайёрлаш, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида инновацион, креатив фаолликни шакллантириш, уларда касбий ижодкорлик лаёқатини ривожлантириш масалалари Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, Қ.Т.Олимов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразова, Р.Г.Исянов, Н.Н.Азизходжаева, Д.О.Ҳимматалиев, О.Х. Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов, О.А.Қўйсинов, Б.А.Назароваларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш, педагогик рефлексия ва баҳолашга ўргатиш масалалари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан З.А.Абасов, В.В.Акимов, И.Ю.Алексашина, Т.Г.Браже, А.А.Вербицкий, В.И.Гам, Е.В.Бузина, Г.Ю.Ксензова, В.П.Симонов, Е.Г.Черненко, Л.Г.Устинова, М.Б.Чельшкова, В.А.Хлебников, А.П.Чернявская, Б.С.Гречинлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар Б.Мюнстерберг, Д.Сьюпер, А.Г.Маслоу, А.Бандура, Дж.Роттерлар бўлажак мутахассиснинг касбий етуқлигини таъминлаш йўналишларини тадқиқ этганлар.

Қайд этилган тадқиқотларда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш, уларнинг ўқув жараёни натижаларини ташхислашга оид кўникмаларини шакллантириш, педагогик тафаккурини ривожлантириш, уларда ўз касбий фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни таркиб топтиришнинг айрим жиҳатлари очиқ берилган. Бироқ, “Бўлажак

технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикаси” мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти “Технологик таълим” кафедрасининг илмий ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш ижтимоий-методик зарурият эканлигини асослаш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг мазмуни, дидактик методик-психологик йўналишлари, хусусиятларини аниқлаш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш босқичлари, тамойиллари, шакллари, воситалари, усул ва методларини белгилаш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикаси самарадорлигини аниқлаш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув натижаларини баҳолашга ўргатишга йўналтирилган технологик таълим жараёни этиб белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг мазмуни, воситалари, методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил, умумлаштириш, кузатиш, суҳбат, анкета, тест, интервью, педагогик ташхис, тажриба-синов, мониторинг, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

компетенциявий ёндошув шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш мазмуни объективлик ва холислик, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик ва яхлитлик, изчиллик, кўрғазмалилик, умумийлик ва хусусийлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида (ўқув мақсадлари, мазмуни, таълим жараёни) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим олувчиларнинг ўқув жараёни натижалари (психологик, интеллектуал имкониятлари, маънавий-ахлоқий сифатлари)ни баҳолашга ўргатишнинг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ижтимоий-педагогик, касбий эҳтиёж ва қизиқишларини эътиборга олувчи психологик, таянч ва фанга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларини ташкил этишнинг методик имкониятлари такомиллаштирилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш компетентлигини шакллантириш модели ишлаб чиқилган, талабаларда замонавий баҳолаш (рейтинг, кредит модул тизими) кўникмаларнинг мавжуд даражасини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар (мустақил таълим ва педагогик амалиёт)да ривожлантиришнинг интерфаол таълим методлари (SWOT таҳлил, кейслар ва муаммоли топшириқлар, интеллектуал карта, портфолио) ҳамда дидактик воситалари (ўқув дастгоҳлар, жихозлар ва вертуал стендлар, медиа визуал кўрғазмалардан тўғри ва сифатли фойдаланиш)ни танлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш бўйича кўникмалари шаклланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (мативацион-қадриятли, билиш, амалий фаолиятли, шахсий тажриба-рефлексив) ҳамда даражалари (юқори, ўрта, паст) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Таълимга компетенциявий ёндошув шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш ва баҳолашнинг объективлигини таъминлашга оид замонавий ёндашувлар танланган ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

таълимга компетенциявий ёндошув шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим олувчиларнинг ўқув натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш жараёнини мазмуни, дидактик методик-психологик йўналишлари, хусусиятлари аниқланган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш босқичлари, тамойиллари, шакллари, воситалари, усул ва методлари белгиланган;

профессор-ўқитувчилар ва педагог ходимлар учун “Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикаси” номли методик қўлланма яратилиб амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-методик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган олий таълим муассасалари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади. Шунингдек, тадқиқот муаммосига тизимли ва изчил ёндашув, тажриба-синов натижалари ва уларнинг педагогик тадқиқотларга қўйиладиган замонавий талабларга мослиги билан тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида педагогика фани бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишга оид методика, илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар билан бойитилди. Шунингдек, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, технологиялари, уни ташкил

этиш йўллари, шакл ва методлари, мазкур жараёни ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланилди.

Диссертация ишида илмий-амалий асосланган ёндашув ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг мазмунини бойитиш, сифат ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларининг педагогика туркум фанлари бўйича дарсликлар, маъруза матнлари, махсус курсларнинг мазмуни, янги ўқув материаллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

компетенциявий ёндошув шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш мазмуни, ўқув жараёнини объектив ва ҳолис баҳолашга оид илмий ёндашувларни ўз ичига олган тизимлилик, яхлитлик, изчиллик, кўргазмалилик, умумийлик ва хусусийлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган “Технология ва дизайн ёғочларга ишлов бериш дастгоҳлари” номли дарсликни яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали такомиллаштирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5153-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида (дарснинг ўқув мақсадлари, мазмуни, ўқитиш жараёни) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг педагогик-психологик ва методик асосларини такомиллаштиришига эришилган;

олий таълим тизимида (ўқув мақсадлари, мазмуни, таълим жараёни) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим олувчиларнинг ўқув жараёни натижалари (психологик, интеллектуал имкониятлари, маънавий-ахлоқий сифатлари)ни баҳолашга ўргатишнинг педагогик, психологик, дидактик, методик имкониятлари дарсликда баён қилинган назарий ёндашувлардан дарс жараёнида фойдаланиш ҳамда бўлажак технологик таълим

Ўқитувчилари тайёрлашда педагогика назарияси ва амалиётдан ўқув ресурсларини яратиш жараёнида ўз ифодасини топган.

талабаларда замонавий баҳолаш (рейтинг, кредит модуль тизими) кўникмаларнинг мавжуд даражасини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар (мустакил таълим ва педагогик амалиёт)да ривожлантиришнинг анъанавий ва интерфаол таълим методлари (SWOT таҳлил, ролли ўйин, кейслар ва муаммоли топшириқлар, тест, интеллектуал карта, портфолио) ҳамда дидактик воситалари (ўқув дастгоҳлар, жихозлар ва вертуал стендлар, медиа визуал кўргазмалардан тўғри ва сифатли фойдаланиш)ни танлаш асосида такомиллаштирилган модели таълим амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5153-сон маълумотномаси). Натижада ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг баҳолаш кўникмаларини мавжуд даражасини таълим жараёни ва педагогик амалиётда ривожлантиришнинг шакллари, методи ва воситаларини инобатга олган ҳолда таълим самарадорлигини оширишга эришилган;

ишлаб чиқилган ўқув жараёни натижаларини баҳолаш бўйича кўникмалари шаклланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (мотивацион-қадриятли, билиш, амалий фаолиятли, шахсий тажриба-рефлексив) ҳамда даражалари (юқори, ўрта, паст) Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университетларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни мазмунига сингдирилган таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да кўрсатиб ўтилган ғоялари асосида амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 2 та халқаро, 11 та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий ғоя ва натижалари 5 та мақола, шундан 3 та хорижий, 2 та ОАК тасарруфидаги республикамиз илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 боб, 9 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 135 саҳифани ташкил қилади

I БОБ. БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш ижтимоий-методик муаммо сифатида

Узлуксиз таълимни ривожлантиришга оид концептуал ёндашувларда мазкур тизимни инсонпарварлаштириш, шахсни интеллектуал ривожланиш сари йўналтириш устувор ўрин эгаллаган. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарорида:

- “таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

- олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, таълим соҳасига сезиларли ўзгаришлар, янгиликлар ва ўқитишнинг инновацион

технологияларини олиб кириш имкониятини яратди. Бундай янгиликларнинг ўқув жараёнига кириб келиши эса ўз навбатида, унинг мазмунини ҳам бойитишни тақозо қилмоқда. Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон [7] Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Ушбу концепцияни амалиётга тадбиқ этиш асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор янада кучаймоқда. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг таълимдаги ислохотлар моҳиятини тушунишлари, англаб етишлари ва ўз фаолиятларида ундан фойдаланишлари учун қулай педагогик муҳит яратиш талаб қилинмоқда.

Бугунги кунда педагогика фанининг асосий вазифаси анъанавий таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуниятларни модернизациялашдан иборат. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий билимларни ўзлаштириш, ижодий фаоллик кўрсатиш ҳамда фикрлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим мазмунини такомиллаштиришга зарурият кучаймоқда. Бунда олий таълим мазмуни, методлари, ташкилий шакллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши назарда тутилади. Бу эса таълим жараёнида “ўқитувчи ва талаба” муносабатларини кадриятли ёндашув асосида ташкил этиш, инсонпарварлаштириш, эркинлаштириш ва шахсга йўналтириш орқали ўқув жараёнини мустақил ташкил этиш, ҳар бир таълим олувчининг ижодий ва интеллектуал ривожланиш даражасини аниқ ташхислай ва баҳолай оладиган ўқитувчиларни тайёрлаш эҳтиёжини кучайтирмоқда.

Бугунги кунда давлат ва жамият томонидан педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига қуйидаги умумий талаблар қўйилмоқда: дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий –илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши; табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши; инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши; ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши; электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш; тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши; битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши; соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш.

Бу талаблар, авваламбор, узлуксиз таълим тизимида шахс ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш масаласига алоқадордир.

Мамлакатимизда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борилаётган бўлсада, уларнинг барчаси ягона мақсад - таълим-тарбия жараёнини демократиялаштириш, унинг шахсга йўналганлигини таъминлаш ва қадриятли ёндашув асосида ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантиришга қаратилганлиги билан тавсифланади.

Ўқитувчининг касбий фаолиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналишдаги тадқиқотларда – ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган жараён орқали ўқитувчиларда баҳолашфаолиятини ривожлантириш масаласи ҳамда унинг методологик асослари ўрганилган. Бу борада республикада Н.Н.Азизходжаева[18], Ф.Р.Юзликаев,[158] А.М.Индиаминов, Н.Н. Сайидахмедов [118], Муслимов Н.А. [98], Н.Ш.Шодиев [151], О.Қ. Ҳайдарова [141], Ш.С.Шарипов [152-153], Г.Т. Боймуродова [35], Б.Маъмуров[93], Ш.Н.Мажитова[87], Ш.С.Шодмонова[156] каби тадқиқотчилар томонидан кенг қўламдаги илмий изланишлар олиб борилган. Рус олимлари

МарковаО.Ю. Кан-Калик, И.А.Колесникова[68], В.Сластенин [128-129],Е.А.Крюкова[75, Л.М. Митина [95-96] М.Мындыкану, В.В.Сериков[124], А. Радугин. [97], И.П. Раченко [117] ва бошқалар томонидан муаммонинг илмий-назарий, методологик йўналишлари ўрганилган.

Иккинчи йўналишдаги тадқиқотларда касбий ривожланишнинг психологик асослари ва механизмлари, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий фаолликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик масалалари ўзбек психологларидан Р.З.Гайнутдинов[39], М.Г.Давлетшин [54], Э.Ғозиев,[68] С. Жалилова [58], А.Жабборов[59], М. Капланова [69], Д.Арзикулов, [24]. Р. Асамова [27], Б.Қодиров, К.Қодировлар[80]нинг илмий ишларида ўз аксини топган. Мазкур йўналишнинг психологик асослари рус олимларидан К.А.Абульханова-[17] А. Славская, А.Леонтьев [127], В.Сластенин [128], Л.С.[Выготский, 45]

В.Н. Дружинин.[57] Н.Е.Ильин [63], Козленко В.М. [73], А.К.Маркова, [89], Анцыферова [26],Л.И. Бодалев А.А, Вербицкий А.А. [33], А.Маслоу [90], Л.М, Митина [95-96], Немов,Р.С..Петровский [109], А.В Роджерсва К.Р. [113] бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Шахс жамият тараққиётининг муҳим таянчи эканлиги, шунингдек, шахснинг интеллектуал имкониятлари унинг мустақил ва ижодий фаолияти

таъсирида янада ривожланиши ҳақидаги илмий хулосалар замонавий педагогиканинг шахсга йўналтирилган мазмундаги янги парадигмасининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Шу боис, замонавий педагогик тадқиқотларнинг янги йўналишида таълимни шахсга ва бўлажак мутахассиснинг касбий фаоллигига йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилган тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда фан-техниканинг илғор ютуқлари асосида таълим мазмуни, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларига инновациялар киритиш орқали шахс касбий фаоллигининг ривожланиши учун қулай ва зарурий педагогик шароитни яратиш масаласи назарий-амалий йўналишларда кенг ўрганилган. Шунингдек, илғор педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш муаммолари В.В Гузеев [51], Ў.Қ.Толипов[133], В.П. Беспалько [30], У.Ш. Бегимкулов [29], Азизходжаева Н.Н. [18], А Абдуқодиров [14] лар томонидан тадқиқ этилган.

Кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шакллантириш масаласи тўлиқ ечилмаган бўлсада, у бўлажак ўқитувчи касбий тайёргарлигининг асосини ташкил этувчи ҳодисалардан бири сифатида қисман ёритилган.

Мавжуд илмий ёндашувларни умумлаштириш натижасида бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий ривожланишига қўйилаётган ижтимоий-педагогик талабларни қуйидагича белгиладик:

1. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий компетенцияларни эгаллаши билан боғлиқ шахсий-касбий сифатларини бойитиш.

2. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий ривожланиш жараёни ҳақидаги билимларини ўқув дастурлари мазмунига сингдириш.

3. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим муассасасидаги педагогик жараённи ташкил этиш учун зарур бўладиган билим, кўникама, малака ва компетенцияларни шакллантириш.

4. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини янги сифат босқичига кўтариш.

5. Олий таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни олиб кириш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш ва бошқалар.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиси шахсига қўйилаётган талабларнинг биринчи таркибий қисми касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий-касбий сифатлари мажмуини ифодалайди. Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларда ўқитувчининг шахсий-касбий сифатларига қуйидаги талаблар қўйилади: кенг дунёқараш ва чуқур фундаментал билимларни эгаллашлари; ўзлари танлаган касбий фаолиятга ҳурмат билан қарашлари; ижодий фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатиш ва ижодкорлик лаёқатига эга бўлишлари; талабаларга кадриятли муносабатда бўлишлари; янги ўқув материалларини тушунтириб бера олиш кўникмасини эгаллашлари; талабаларни севишлари ва уларнинг ҳис-туйғуларини тушуна олишлари, ижобий ҳис-туйғуга эга бўлишлари; инсонпарвар, адолатли, сабр-бардошли бўлишлари; ўқув жараёнини демократия тамойили асосида ташкил этиш ва бошқариш кўникмасига эга бўлишлари; ўз хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари ва ҳиссиётларини назорат қила олишлари; кузатувчан, эътиқодли, ижтимоий фаол шахс бўлишлари; таълим натижаларини аниқ ташхислай ва баҳолай олишлари лозим.

Олий таълим мазмунини аниқлаш жараёнида талабаларда худди мана шундай сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган мавзуларни киритиш лозим. Чунки, ўқитувчида бундай сифатлар мавжуд бўлмаса улар таълим муассасасидаги ўқув-тарбия жараёнини самарали лойиҳалаш, ташкил этиш ва баҳолаш кўникмасига етарлича эга бўла олмайдилар.

Олий таълим муассасалари битирувчилари, яъни бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини таъминлаш жараёнининг иккинчи муҳим таркибий қисми, уларни талаба-ёшларнинг ривожланиши ҳақидаги мавжуд билимлар ва амалий тажрибалардан хабардор қилишдан

иборат. Талабалар бўлажак технологик таълим ўқитувчиси сифатида шахснинг ривожланиш қонуниятлари, психология, хусусан, ёш даврларининг педагогик-психологик асосларини билишлари, турли ёш даврларида таълим олувчи шахсининг ривожланиш қонуниятлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари, шунингдек, ўзлаштирилаётган билимларнинг шахс сифатлари ривожланишидаги аҳамиятини тушунишлари ҳамда англаб етишлари лозим.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига қўйилаётган талабларнинг учинчи таркибий қисмини педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар ташкил этади.

Маълумки, ўқув жараёни натижаларининг баҳоси таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларинигина ифодаламайди. Ўқув жараёни натижасини баҳолаш орқали таълим олувчиларни ўқув фаолиятига самарали йўналтириш, уларда ижобий майлларни ҳосил қилишга эришилади. Таълим олувчилар фаолиятини объектив баҳолаш орқали уларда ўз-ўзини баҳолаш кўникмалари шакллантирилади, ўз-ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш тажрибаси ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам баҳолаш фаолиятининг ранг-баранглиги талабалар олдида унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва хусусиятларини ўзлаштириш вазифасини қўймоқда. Бу эса бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг талаба-ёшлар ўқув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва йўналишларини ўзлаштириш имкониятини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Ўқитувчи ва таълим олувчилар мулоқоти орқали таълим натижаларини баҳолаш имконияти вужудга келади. Агар бўлажак ўқитувчи ўз кўникмаларини ижодий тарзда намоён қилиш жараёнида ўзининг касбий ривожланишидаги муаммоларини еча олса, ўқув жараёнини мунтазам таҳлил қилиш компетенциясига эга бўлади. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиси истиқболдаги амалий фаолиятида учрайдиган муаммолар, касбий вазифаларни

ечишга хизмат қиладиган билим ва тажрибаларга эга бўлмаса, таълим натижаси сифати ва самарадорлигини таъминлай олмайди. Бўлажак технологик таълим ўқитувчисида шахсий-касбий тажрибанинг бойитилиши ва ривожланиши таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бунда бўлажак ўқитувчининг касбий лаёқатни ривожлантиришга оид топшириқларни муваффақиятли ечиши ҳамда ўз касбий фаолиятининг назарий-амалий асосларини фаол тарзда ўзлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Узлуксиз таълимнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи етакчи ҳолат таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ривожланишга бўлган эҳтиёжларидир. Ривожланиш шахснинг асосий имкониятидир. Ўқитувчининг асосий фаолияти таълим жараёнини таълим олувчилар шахсига йўналтириш ва уни самарали ташкил этишдан иборат. Олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчи шахсий-касбий жиҳатдан ўзини англайди, фаолиятининг жамият ҳаёти учун аҳамиятли жиҳатларини тушуниб етади. Бўлажак ўқитувчининг талаба-ёшларга нисбатан инсонпарварона муносабатда бўлиши ва ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш соҳасидаги билимларни ўзлаштириши алоҳида аҳамиятга эга. Шу тариқа у касбий жиҳатдан ўзлигини англаш даражасига кўтарилади.

Бўлажак ўқитувчи олий таълим жараёнида касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиради. Шахс фаолиятини ривожлантириш назариясига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчининг шахсий-касбий тараққиётига мутахассиснинг касбий такомиллашув жараёни сифатида ёндашиш лозим. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашнинг барча жараёнларида талабалар шахсий тажриба ва касбий тафаккурга эга бўлишлари керак.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиси касбий фаолиятининг таркибий қисмини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш ташкил этади. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини, яъни дидактик жараён натижаларини баҳолашуларнинг ўзлаштириш даражаси ва эришган ютуқларини аниқлаштириш имконини беради. Билимларни

Ўзлаштириш ташхислаш жараёнида мақсадни амалга ошириш натижаси сифатида ҳам баҳоланади. Ҳар қандай дидактик жараёни ташхислашнинг мақсади ўқув вазиятининг бориши, унинг маҳсулдорлиги, талаба-ёшларнинг ўзлаштириш даражаларини ўз вақтида аниқлашдан иборат. Назорат қилиш, билимларни баҳолаш, таълим олувчиларнинг билимдонлик даражалари, билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг шаклланганлигини аниқлаш ташхислашнинг зарурий таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади. Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш унинг таркибий қисми сифатида уларни ривожланиш сари ундайди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини ҳар томонлама пухта эгаллашлари керак. Ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашга объектив ёндашиш ўқитувчининг инсонпарварлик талабларига амал қилишини тақозо этади. Ўқитувчи қадриятли ёндашув ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этиладиган дидактик жараёнларда назоратни юзаки тарзда амалга оширмаслиги лозим. Дидактик ташхислаш ўқитишнинг ўзига хос методи сифатида таълим натижаларини аниқ ифодалаш ва баҳолашга хизмат қилиши керак. У, биринчи навбатда, талаба-ёшларнинг ўзлари учун самарали бўлган ўз-ўзини назорат қилиш билан чамбарчас боғланиши лозим.

Таълим натижаларини баҳолаш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш имконини беради. Ташхислаш назоратнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий дидактик вазифаси таълим жараёни субъектлари орасида тескари алоқани, ўқитувчининг ўқув материални ўзлаштирилганлик даражаси ҳақида объектив маълумот олиши, талаба-ёшлар билимидаги бўшлиқлар ва етишмовчиликларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашдан иборат. Ташхислаш нафақат ўқув жараёни натижаларининг сифати ва самарадорлигини аниқлашдангина иборат, балки ўқув меҳнатининг кўламини ҳам ифодалашга хизмат қилади.

Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ва баҳолаш ҳам ташхислаш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Ташхислашдан

ташқари назорат ўз ичига баҳолаш ва текшириш натижаларини ҳам қамраб олади.

Ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашда асосий ўринни ташхислаш натижалари эгаллайди. Бунда ўқув фаолияти натижаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Миқдорни ифодаловчи кўрсаткичлар муайян баллар ва фоизларда акс этади. Сифат кўрсаткичлар эса баҳоловчи хулосаларда акс этирилади. Ҳар бир хулосада аниқ, олдиндан келишилган баллар, кўрсаткичлар намоён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, баҳолашфаолиятининг натижаси бўлган ифодали кўрсаткичлар, баҳоловчи хулосалар аниқ баён этилади.

Ўқув жараёни натижасининг миқдорий кўрсаткичлари ўзлаштиришнинг баҳоси, ўзлаштирилган билим, кўникма ва компетенцияларнинг кўлами ва ҳажми орасидаги алоқадорликни ифодалайди. Мазкур мезонлар асосида ўқув жараёни натижасини баҳолашчун тақдим этилган ҳодисалар ҳамда ўзлаштирилган ахборотларнинг кўламини аниқ баҳолашлозим. Бу вазифаларни ўқитувчи самарали технологиялар ёрдамида амалга ошириши керак. Ушбу соҳадаги билимлар ва технологияларни бўлажак технологик таълим ўқитувчилари олий таълим муассасаларида ўзлаштиришлари ва амалий тажрибаларига сингдиришлари керак.

Ўқув жараёни натижаларини баҳолашқуйидаги бир қатор тамойилларга асосланади.

Ўқув жараёни натижаларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ташхислаш ва назорат қилишнинг объективлиги яъни, ташхислаш тестлари ва жараёнларининг мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш; ўқитувчининг барча таълим олувчиларга тенг, дўстона муносабатда бўлишига эришиш; талаба-ёшларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларининг аниқ, мос равишда ўрнатилган мезонлар асосида баҳоланишини таъминлаш.

Амалий жиҳатдан шу нарса аниқки, қўйилган баҳо уни қайси ўқитувчи қандай методлар ёрдамида ташхислаш ва назорат қилиш асосида

қўйганлигидан қатъий назар объектив характерга эга бўлиши керак. Ўқув жараёнида талаба-ёшлар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳамда уларга тақдим этилган ўқув материалларининг ҳажми орасидаги мутаносибликни аниқлаш баҳонинг объективлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни ўқув жараёнининг маҳсулдорлиги ташхислаш ва баҳолашнинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашнинг изчиллиги – дидактик жараённинг барча босқичларида ташхислашга асосланган назоратнинг амалга оширилишида намоён бўлади. Мазкур жараён касбий билимларни дастлабки идрок этишдан бошлаб, уни амалда қўллашгача бўлган дидактик ҳаракатларни қамраб олади. Ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашнинг тизимлилиги талаба-ёшларнинг бутун дарс жараёнидаги узлуксиз ҳаракатларини ташхислаш ва назорат қилишни назарда тутди.

Ўқув жараёнидаги назорат қуйидаги таркибий қисмларга бўлинган ҳолда амалга оширилиши керак. Шундагина таълим олувчилар билишлари ва бажара олишлари зарур бўлган барча амалий ҳаракатларни ишончли тарзда аниқлаш имконияти яратилади. Ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашнинг изчиллиги тамойили ташхислашга яхлит тарзда ёндашиш имконини беради. Бу жараёнда назорат қилиш методлари, воситалари, шаклларининг ранг-баранг кўринишлари, текширишлар, баҳолаш ҳаракатлари ўзаро чамбарчас алоқадорликда амалга оширилади. Бундай ёндашув ташхислашнинг айрим методлари ва воситалари умумийлигини инкор қилмайди.

Ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг кўرғазмалилиги – барча таълим олувчиларни ягона мезон асосида очиқ тарзда синовдан ўтказишни тақозо этади. Ҳар бир таълим олувчини назорат қилиш жараёнида аниқланган рейтинг кўрғазмалилик, очиқлик характерига эга бўлиб, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ўзаро қиёслаш имконини беради.

Ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг очиқлиги. Ушбу тамойил ўқув жараёни натижаларини далиллар ёрдамида асосланишини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳо ўқитувчининг объективлиги ва таълим оловчилар олдига қўйилган талабларни улар томонидан аниқлишига қўмаклашади.

Кўриниб турибдики, ўқув жараёни натижасини баҳолашга бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш бугунги кунда ўзининг назарий ҳамда амалий ечимини қутаётган долзарб педагогик муаммо сифатида намоён бўлмоқда.

1.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишнинг методик-психологик йўналишлари

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид назарий-амалий билимлар билан қуроллантириш, уларни баҳолашни замонавий методикаларидан фойдаланишга тайёрлаш муҳим касбий аҳамиятга эга.

Назорат ўқув жараёни натижаларини илмий жиҳатдан тизимлаштириш ҳамда таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш имконини беради. У таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ҳамда ўқув дастурида режалаштирилган натижа билан таълимнинг реал ҳолати орасидаги мутаносибликни баҳолашга кўмаклашади. Назоратнинг асосий мақсади таълим олувчилар эгаллаган билим, кўникмаларни аниқлаш ҳамда истикболда таълим жараёнига тузатишлар киритиш мақсадида йўл қўйилган камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаштиришдан иборат. Назоратни самарали тарзда амалга ошириш учун бўлажак технологик таълим ўқитувчилари мазкур ходисанинг илмий методик, методологик жиҳатларини яхши билишлари керак.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўқув жараёни натижаларини баҳолашда назорат тамойилларига таянган ҳолда унинг босқичлари орасидаги алоқадорликни яхши англаб етишлари лозим. Назорат босқичларининг ҳар бири назоратнинг турли методларини танлаш ва қўллашни тақозо этади. Назоратнинг асосий мақсади – ўқув жараёнининг муваффақиятли кечишини таъминлаш ҳамда тескари алоқани амалга оширишдан иборат.

Замонавий дидактикада назоратнинг ёзма, оғзаки, амалий, кузатиш, каби методлари қўлланилади. Бугунги кунда график ҳамда амалий, лаборатория, дастурлаштирилган назорат ҳамда портфолио методлари ҳам қўлланилмоқда.

1. Оғзаки назорат методи ёзма назоратга нисбатан анча қадимий ҳисобланади. Ушбу метод ўрта асрлардаёқ мунозара шаклида кенг қўлланилган. Оғзаки назоратнинг асосини монологик нутқ ёки суҳбат ташкил қилади. Якка тартибдаги сўровлар таълим олувчиларнинг ўзлаштиришлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш имконини беради. Е.И.Перовский [86] нинг

таъбирича, мазкур методнинг афзаллиги таълим олувчи билан ўқитувчи орасидаги жонли мулоқот, ўзаро алоқанинг амалга ошишидадир. Ўқитувчи ўз талабасини мунтазам кузатиш натижасида унинг ўзлаштириш даражасидаги бўшлиқларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда бартараф этиш имкониятига эга бўлади. Таълим олувчи томонидан берилган ҳар бир жавоб унинг оғзаки нутқи маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу метод таълим олувчиларни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ оғзаки назоратда уни қўллаш билан боғлиқ мураккаб жиҳатлар ҳам мавжуд. Биринчи навбатда, оғзаки назорат ва баҳолашда аниқланган ҳолатларни тенглаштириш чоратадбирларини қўллаш бир қадар мураккаб ҳисобланади. Бундай тадбирлардан бири таълим олувчилар олдида саволлар қўйишдан иборат бўлиб, уни барча таълим олувчиларга тенг тарзда тақсимлаш ва тақдим этиш имконсиздир. Иккинчи мураккаб жиҳатлардан бири жавобларни айнан такрорлаш ҳамда уларни чуқур таҳлил қилиш мураккаб бўлиб, у таълим олувчиларни реал баҳолаш имконини чеклайди.

К.Ингенкамп [64] оғзаки назорат омилларини аниқлаб, унинг учта турини ажратиб кўрсатишга муваффақ бўлган. Оғзаки назорат жараёнида баҳолашга: жавобларнинг кетма-кетлиги, ўқув жараёнининг натижаси, унинг мароми ҳақидаги ахборотлар таъсир кўрсатади. Оғзаки назоратнинг салбий жиҳати унинг асаб тизимини кўзғатиши ва унга таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Оғзаки назоратлар объективлик, валидлик ҳамда ишончлилик талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Мутахассислар оғзаки назоратнинг афзал жиҳатларини таҳлил қилар эканлар, унинг салбий таъсирни пасайтириш имкониятига эгаллигини кўрсатиб ўтганлар Ингенкамп К [64] ушбу методни кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида қўллаш лозимлигини таъкидлаб ўтган. Ушбу метод ёрдамида асосан таълим олувчилар нутқининг равонлиги, аниқлиги текширилади ва баҳоланади. Ўқитувчи таълим олувчиларни оғзаки назоратга тайёрлар экан, уларнинг ўзлаштириш даражаларини тавсифловчи суҳбатларнинг боришини лойиҳалаши, далиллар, ҳукмларни аниқлаши лозим. Шу тариқа оғзаки назорат таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини

аниклайди. Ўқув материални баён қилиш мантиқи жараёнларни тасвирлаш ёки тушунтириш учун билимлардан фойдаланиш ҳамда воқеаларни тасвирлаш жараёнларини ифодалайди. Бу эса таълим олувчиларга ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, ноаниқ ҳолатларни текшириб кўриш имконини беради.

2. Ёзма назорат методи ёзма топшириқларни бажаришни назарда тутлади. Ёзма топшириқлар сирасига машқлар, ёзма назорат ишлари, иншолар, мулоқот матнлари кабилар киради. Е.И.Перовский ўз ишларида мазкур назорат турининг босқичларини кўрсатиб ўтган. Барча ёзма ишлар муайян ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Бу эса назорат ва баҳолашнинг батафсил амалга оширилишини таъминлайди. Ўз навбатида ўқитувчи натижаларни текшириш ва баҳолаш учун ўзида масъулият ҳис қилади. Ёзма назоратни амалга ошириш баҳонинг ҳаққонийлигини ва талабалар бажарган ишларга нисбатан объектив муносабатда бўлишни таъминлайди [86]. Савол-жавоб кўринишидаги ёзма назоратнинг 2 та асосий камчилиги мавжуд: таълим жараёни субъектлари орасида бевосита жонли мулоқотнинг мавжуд эмаслиги, бу ўз навбатида ўқитувчининг талабалар томонидан бажарилаётган ишни бевосита назорат қилиш имкониятини пасайтиради; фикрни ёзма тарзда ифодалаш жараёнидаги қийинчиликлар таълим олувчиларнинг ўқув ютуқларини ўзаро қиёслашни қийинлаштиради. Назоратнинг мазкур методи таълим олувчиларнинг ўзлаштирган билимларини айтиб беришнинг ўзида назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради. Бироқ ёзма топшириқларни текшириш педагогдан кўп вақт талаб қилади. Ёзма назоратнинг афзал жиҳатларидан бири шундаки, ўқитувчи барча таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражалари, кучли ва кучсиз жиҳатлари ҳақида бир йўла ахборот тўплаш имкониятига эга бўлади. Текширилаётган мавзу доирасида таълим олувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси, кўникмалари, ёзма саводхонлиги, ҳисоблаш кўникмалари, мустақил ишлаш даражаси ҳақида маълумотга эга бўлади.

3. Амалий ҳамда график назорат методи ёрдамида баҳолаш ўзига хос жиҳатларга эга. Ушбу методни барча ўқув фанлари доирасида қўллаш имконсиз. Мазкур метод оғзаки ва ёзма назорат методлари билан

уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилади. Бу метод ёрдамида таълим олувчиларнинг эгаллаган касбий кўникмалари назорат қилинади ва баҳоланади.

4. Дастурлаштирилган назорат методи дастурлаштирилган ўқитиш билан бевосита боғлиқ ҳолда қўлланилади. Аниқ назорат ушбу методнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ўқитувчилар дастурлаштирилган назоратдан дарснинг турли босқичлари, хусусан боши ва якунида фойдаланадилар. Ушбу метод қўлланганда, кўпроқ тесқари алоқани аниқлаш имконияти вужудга келади. Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятининг кенгайганлиги туфайли талабалар билимини компьютер ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш ривожланмоқда. Дастурлаштирилган назорат таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг вақтини тежайди. Мазкур метод ёрдамида билимларни аниқлаш ва баҳолашнинг ягона талаблари ўрнатилади. Назорат натижаларига осонгина статистик ишлов берилади. Билимларни баҳолашда ўқитувчининг субъектив қарашлари бартараф этилади. Шу билан бир қаторда ўз-ўзини баҳолаш жараёнини муваффақиятли кечишини таъминлайди. Ўз-ўзини назоратни компьютерсиз ҳам амалга ошириш мумкин. Бундай вазиятда таълим олувчиларни мустақилликка ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзлари йўл қўйган хатони топишлари, топшириқларни нотўғри ечганликларини аниқлай олишлари ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини излашлари лозим.

Таълим олувчилар билимини баҳолашдаги субъективлик ўқув жараёни натижаларини аниқ баҳолаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш имконини бермайди. Бунинг натижасида ўқув жараёни ҳақида объектив маълумотларни тўплаш имконияти чекланади. Субъектив баҳолаш дидактик жараёни мураккаблаштириб, аниқ ўқув ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Таълим олувчилар билимини назорат қилиш асосида ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган методлари муайян камчиликларга ҳам эга. Улар: 1) педагогик ишларнинг хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ қийинчиликлар:

- турли педагогларнинг талаблари орасидаги номувофиклик, яъни таълим олувчининг айти бир жавобига турлича ёндашган ҳолда муносабатда бўлиш;

- педагогнинг касбий малакаси орасидаги фарқлар;

- педагогнинг ташкилий ишлар билан ҳаддан ташқари бандлиги, қисқа вақт орасида кўп миқдордаги ахборотларни тўплаш мажбуриятининг юкланганлиги;

- педагогларда таълим олувчиларни баҳолаш лаёқатининг етарлича шаклланмаганлиги;

- билимларни текширишнинг анъанавий шакллари кўллашдаги қийинчиликлар;

- қўйилмаган ҳар бир ижобий баҳо учун талаб қилинган кўрсаткичларнинг етарлича асосланмаганлиги ва белгилаб қўйилмаганлиги;

- шпаргалкалардан фойдаланиш, ўзаро ёрдамнинг объектив баҳолаш имкониятларини чеклаши ҳамда ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини аниқ амалга оширишига тўсқинлик қилиши;

- баҳолашнинг аниқ мезонлари ва ўқув жараёни натижаларини қиёслаш йўналишларининг ишлаб чиқилмаганлиги. Имтиҳонларда 3-4 та савол ёрдамида таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва ўқув жараёни натижаларини тўлақонли баҳолаш имконсиз эканлиги мавжуд тажрибалар ва назарий ёндашувларнинг таҳлилидан яққол намоён бўлди.

Бугунги кунда ўқув жараёни натижаларини объектив баҳолаш билан боғлиқ камчиликлар асосан тест топшириқлари ва портфолио методлари ёрдамида бартараф этилмоқда.

5. Портфолио методи (итал. Portfolio – ҳужжатлар жамланган папка) таълим олувчиларнинг ютуқлари, ўқув жараёни натижаларини тўпланган ҳужжатлар жамланмаси ёрдамида аниқлаш имконини берадиган методдир. Мазкур метод ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг ютуқлари, ижодий, коммуникатив лаёқатларини аниқлаш, қайд этиш, баҳолаш имконини беради, ҳамда таълим олувчиларнинг турли соҳадаги ютуқлари, майллари,

изланувчанликларини аниқлаш ва ривожлантириш йўналишларини башорат қилишга кўмаклашади.

Мазкур методни амалга оширишнинг янги шакллари ҳам мавжуд: ютуқлар портфолиоси, тақризлар портфолиоси, ёзма ишлар портфолиоси кабилар. Ушбу портфолиолар таълим олувчиларга ўз-ўзини баҳолаш имконини беради. Таълим олувчилар ўзлари эришган ривожланиш босқичида туриб, истиқболларини белгиловчи стратегияларни ишлаб чиқадилар. Тўпланган ҳужжатлар жамланмаси таълим мақсади билан бевосита боғлиқ. Улар таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида ўзлаштирган билимларини ифодалайди. Портфолио методини тадбиқ этиш таълим олувчилар ва педагоглардан кўп меҳнатни талаб қилади. Ўқитувчилар ушбу метод асосида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш учун ижтимоий фаол бўлишлари, таълим олувчиларнинг ўқув ютуқларини аниқлаш мақсадида кўп вақт сарфлашлари лозим. Шу билан бир қаторда мазкур метод ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг анъанавий тизимини истиқболда ривожлантиришга асос бўлади. Бу каби методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини баҳолашнинг янги, мужассамлаштирилган назорат методини вужудга келтиришга кўмаклашади.

Ўқитувчи таълим олувчининг ўқув ютуғлари учун қўйган баҳосига масъулдир. Бу ўринда “белгилаш” ва “баҳолаш” тушунчаларини фарқлаш лозим.

Баҳо – режалаштирилган мақсадга асосланган аниқ натижаларга алоқадор ҳодиса ҳисобланади.

Белги эса мазкур жараённинг натижаси, унинг шартли шаклий ифодаси бўлиб, субъектив фикр, таассуротларни акс эттиради. Белгининг вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

- ўқув материални қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш;
- йўналтирувчилик ҳаракатларини амалга ошириш;
- таълим олувчиларнинг муайян ўқув фани бўйича шуғулланиш ёки шуғулланмаслигини аниқлаш;

- таълим олувчиларнинг ўрганилган ўқув материали учун қандай баҳо олганлигини ифодалаш;
- жазолаш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш;
- бошқарувчилик ҳаракатларини амалга оширишга имконият яратиш, яъни таълим олувчиларни ижобий баҳо олишга ундаш кабилар.

Белгининг асосий вазифаси назорат қилиш ва йўналтиришдан иборат. Назорат қилиш вазифаси таълимнинг барча босқичларида амалга оширилади. Бунинг учун таълим олувчилар якуний, дарсда бажариладиган назорат ишлари, мустақил ишларнинг турли шакллари ва турларидан фойдаланиш, текшириш характеридаги уй вазифаларини топшириш усулларида фойдаланадилар. Агар белгилашнинг мазкур функцияси тизимли, объектив, барча педагогик омилларни батафсил ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмаса ўз моҳиятини йўқотади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муайян ҳолатни белгилашда ўқитувчи унинг мазмунини кенгайтиришга ҳаракат қилади. У фақатгина ўқув жараёни натижаларини ташхислаш ва баҳолашдан иборат бўлиб қолмасдан, унинг ахборотлар билан таъминланганлиги, яъни таълим олувчилар нимани билишлари ёки билмасликларини аниқлашга ҳам эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ушбу жараёнда таълим олувчиларнинг ўқув меҳнати, таълим муассасасидаги кундалик фаолиятига бўлган муносабатини ҳам ҳисобга олиши керак. *Бунда таълим олувчиларнинг эркин мулоқот юрита олиши, ҳиссий барқарорлик, доминантликка интилиши, ижтимоий етуклик, ижтимоий дадиллик, ишонувчанлик, мустақиллик, ишонч, ўз-ўзини назорат қилиши, қўзғалувчанлик, асабий таранглик, муваффақиятга интилиши, ютуққа эҳтиёж, ўз-ўзини баҳолаш каби шахсий сифатлари, шунингдек одамлар ишончини қозона билиши, сафарбарлик, ўз меҳнатини ҳисобга олиши ва иқтисодий баҳолаш, кузатувчанлик, қатъиятлилик, чидам, уддабуронлик, турли хил ва мураккаб техникадан фойдалана билиши, узоқни кўра билишлик, тартиблилик, жамоада қулай шароитни яратиши, ташаббускорлик, амалий меҳнатга мойиллик каби касбий сифатлар назарда тутилади.*

Белгилашнинг муҳим вазифаларидан яна бир йўналтирувчиликдир. Бу сифат таълим олувчиларни ўз фаолиятини мустақил такомиллаштиришга ундайди. Қўйилган баҳога қараб йўналиш олган ҳолда улар ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини ўзгартирадилар ва яхши баҳо олишга интиладилар. Таълим олувчилар ўзларининг салбий баҳоларини тузатиш, дарсларда фаол бўлиш, ўқитувчининг барча талабларини мунтазам бажаришга ҳаракат қиладилар.

Баҳонинг йўналтирувчилик ва назорат қилувчилик вазифаси ўзаро уйғунликда намоён бўлиши керак. Агар бу уйғунлик бузилса, баҳо таълим олувчиларнинг хулқ-атворини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бундай вазиятларда талаба-ёшлар салбий баҳога эътибор бермайдилар. Улар баҳога бефарқ бўлиб, ўқув жараёнига бўлган қизиқишларини йўқотадилар ва ўзлари учун қизиқарли бўлган фаолият турини излай бошлайдилар. Бундай вазиятда баҳонинг назорат қилувчилик ва йўналтирувчилик вазифалари ёмон баҳодан қўрқиш ёки унга эътибор бермаслик, уни назарга илмасликка олиб келади. Бундай вазиятларда баҳо ўзининг асосий вазифасини бажара олмай қолади.

Таълим олувчилар кўпроқ иш жараёнини қадрлай бошлайдилар, ўқитувчи эса ўқув жараёнининг якуний натижаларига қизиқади. Албатта, ҳар қандай ўқув жараёнидакўзланган натижага эришиш мақсади илгари сурилади. Агар таълим олувчилар топшириқлар устида қанчалик жиддий ўйласалар ҳам, уни еча олмасалар ўқитувчи уларга юқори баҳо қўймайди. Бироқ таълим олувчиларнинг изланишлари, ўй-фикрларини баҳолаш ҳам ниҳоятда зарур ҳисобланади. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда худди мана шу мақсад устувор бўлиши лозим.

Ўқув жараёнини ташкил этишда унинг самарадорлигини таъминловчи методларни қўллашни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, инновацион методларга асосланиб ташкил этилган ўқув жараёни ўз-ўзидан таълим олувчиларга инсонпарварлик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда уларни ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутди. Бунинг учун бўлажак технологик таълим ўқитувчилари ўқитишнинг инновацион усуллари,

ташхислаш методикаларини ҳар томонлама пухта ўзлаштиришлари лозим. Олий таълим жараёнида талабалар педагогик фаолиятни пухта ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Бунда педагогика туркум фанлари, шу жумладан, технологик таълим методикаси ҳамда педагогик амалиёт алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, технологик таълим йўналиши ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий фанлар, педагогик туркум фанлар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари технологик таълим ўқитиш методикаси фани мазмунига интеграциялашиб, сўнгра педагогик амалиёт жараёнида ўз тадбиқини топади. Технологик таълим методикаси фани технология фани ўқитувчи шахсини шакллантиришда тизимлаштирувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг мазмунини таркиб топтиришда ўқув режасига кирувчи барча фанлар хусусиятлари эътиборга олинган. Педагогика туркум фанларни ўзлаштириш жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида педагогик маҳорат сирлари, баҳолаш методикаси, инновацион усулларни қўллаш имконияти яратилади. Ўқув жараёни билан бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий-психик ривожланиши орасидаги мутаносиблик ҳамкорликдаги ўқув фаолияти орқали таъминланади. Чунки, ўқув жараёни педагогик жиҳатдан махсус йўналтирилган жараён бўлиб, унда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари биргаликдаги ўқув фаолиятини амалга оширадилар. Бу ўринда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари талабаларнинг психик ривожланишлари асосида уларнинг ташқи фаолиятлари билан боғлиқ ҳаракатлари ички ривожланиш имконини беришини яхши билиши лозим. Шу асосда уларда когнитив фаолият тажрибаси, тафаккур, идрок ривожланади. Бундай фаолият натижасида таълим олувчиларда билиш қизиқишлари шаклланади. Демак, таълим олувчиларни ривожлантириш, биринчи навбатда, унинг ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил этишни талаб қилади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий фанларни пухта ўзлаштирмаганларида уларда касбий ривожланиш кузатилмайди. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг айнан педагогик билимларни пухта ўзлаштиришлари натижасида уларда педагогик маҳорат ва касбий

лаёқатларнинг шаклланишига асос бўлади. Шу билан бир каторда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари мактаб ўқув дастурлари, дарсликлар билан ишлаш, иккиламчи дидактик лойиҳалар, ишланмалар тайёрлаш, ўзлари эгаллаган билимларни педагогик амалиёт даврида таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқув жараёни натижаларини баҳолаш компетенцияларига эгалликларини амалий жиҳатдан намоён қилишга хизмат қиладиган педагогик-психологик билимларни ҳам узлуксиз тарзда ўзлаштирган бўлишлари керак.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёнида таълим олувчиларни касбий билимларни эгаллашга йўналтириш ва унинг натижаларини ташхислашга тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим олувчиларни касбий билимларни эгаллашга йўналтириш вазиятларида инновацион методлардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу метод ёрдамида таълим олувчиларда мулоқотга киришувчанлик, ишчанлик, етакчилик, кенг кўламли, аниқ изчилликка эга бўлмаган материалларни тартибга солиш ва таҳлил қилиш, ахборотлар етарли бўлмаган шароитларда уларни тўлдириш кўникмаларини шакллантириш имконияти вужудга келади.

1.3. Баҳолаш олий таълим муассасаларида талабалар касбий ўзини ўзи белгилашини ривожлантиришнинг омили сифатида

Олий таълим муассасаси ўқув жараёнида талабанинг касбий шаклланиши психологик ва педагогик тадқиқотларда шахсни ижтимоийлаштириш ва индивидуаллаштириш шакли сифатида қараб чиқилган [10,11,12,22,44,68,81]. Таъкидланишича, ушбу жараённинг муваффақияти ижтимоий ўзора таъсирлашувга ва талабанинг ҳам психофизиологик, ҳам шахсий фаолаштирилган индивидуал хусусиятларига таъсир қилади. Айнан, шу касбий ривожланишнинг нафақат ижобий балки, салбий натижаларининг мавжудлиги учун аниқ сабаб бўлиб ҳисобланади. Талабалар касбий ривожланишининг олий таълим муассасаси босқичидаги салбий натижаларига йўл қўймаслик учун, олий таълим муассасасидаги ўқишнинг барча босқичларида талабанинг касбий ўзини ўзи белгилашини максимал даражада шакллантириш керак.

Турли олимларнинг нуқтаи назарларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида [9,12,17,22,28,33,46,66,71,76] биз касбий ўзини ўзи белгилашни талабанинг касбий имкониятларини аниқлаш, келгуси касбий фаолият учун макон излаш ва танлаш, шахсий ва касбий потенциалини ўзи ривожлантириш ҳамда бўлажак касбий фаолиятнинг шахсий маъносини шакллантириш бўйича фаол, онгли ва мақсадли фаолияти деб биламиз. Талабада касбий ўзини ўзи белгилашнинг муҳим натижаси бўлиб, унда ўз касбий тақдири учун шахсий жавобгарликни тушунишни шакллантириш ҳисобланади.

Касбий ўзини ўзи белгилашни шакллантириш жараёнини оптималлаштиришда унинг натижаларини баҳолаш тартиби катта аҳамиятга эга. Педагогик баҳолашнинг аҳамияти ва унинг талабаларнинг ўзини ўзи баҳолашига таъсири Чельшкова М. Б., Хлебников В. А. Б. Г. Ананьев, Чернявская А.П., Б.С. Гречин томонидан қайд этилган [146-147]. Сўнгги йилларда тест синовлари талабаларнинг ўқув ютуқларини мониторинг қилишнинг асосий шакли сифатида олиб борилаётгани сабабли, олий таълим муассасасаларида таълимнинг кадриятли-мазмунли ва эмоционал натижаларини аниқлаш ва баҳолашга унчалик аҳамият берилмай қўйилди.

Ўрганилаётган жараён натижаларини баҳолаш тизимини лойиҳалашда бутун ўқиш давомида уларнинг касбий ўзини ўзи белгилаш динамикасини шакллантириш котеҗтида талабаларнинг касбий ривожланиш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади ва ўз навбатида, жорий назоратдан битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясига қадар касбий ўзини ўзи белгилашнинг ривожланиш даражасини баҳолашни босқичма-босқич тартибга солиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг маълум қисми талабаларнинг мустақил ишига тўғри келиши сабабли, педагогик баҳолашнинг назорат функцияси билан бир қаторда унинг ташхисловчи, таълимий, *разбатлантирувчи, рефлексив – таҳрирловчи ва тарбиявий* каби функциялари алоҳида рол ўйнай бошлайди. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, биз педагогик баҳолашнинг асосий миссияси деганда тескари алоқанги, яъни талабалар, ўқитувчилар ва олий таълим муассасаси раҳбариятини ташкил этиладиган ўқув жараёнида талабаларнинг шахсий ва касбий ўсиш натижалари тўғрисида ўз вақтида ва ишончли маълумот билан таъминлашни тушунамиз. Бундан ташқари, баҳолаш тартибининг функционал имкониятларининг кенгайиши талабаларга *хато қилиш*дан кўрқмасдан фойдаланиш имконини беради. Ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг ушбу функцияларини амалга ошириш талабаларнинг касбий ўзини ўзи белгилаш даражаларини баҳолаш учун қуйидаги мезонлар гуруҳларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади: *шахсий (мотивацион-қадриятли), билиш, фаолиятли ва рефлексив*. Ушбу мезонларни танлаш олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнини инсоннинг бутун ҳаёти давомида, айниқса вояга этиш босқичида ривожлантиришга йўналтирилган акмеологик ёндашувни қўллаб-қувватлаши билан белгиланади, бу эса бир-бири билан уйғун равишда ҳаракат қиладиган, бир-бирига билан уйғун ҳолда фаолият кўрсатадиган, касбий деформациялардан қочиб ёки уни минималлаштириб энг мақбул тарзда ижтимоий фаол шахс ва ўзини юқори даражадаги профессионал сифатида тутадиган объектив ва субъектив шароитларни аниқлашга имкон беради

Биз ўқув жараёни натижаларини баҳолаш учун назорат ва ўлчаш материалларини, талабаларнинг билиш фаолияти натижаларини таҳлил қилишнинг қуйидаги объектив ва сифатли усулларидан фойдаланишга асосландик: кузатиш, билиш ва касбий фаолият маҳсулотлари экспертизаси, портфолио ҳимояси ва бошқалар. Уларнинг қўллашнинг янгилиги қайд этилган баҳолаш шакллари ва усуллари билан эмас (улар аввалдан маълум ва баъзилари эса узоқ вақтдан бери ватанимиз олий таълим муассасаларида қўлланилади), балки уларнинг мақсади, мазмуни ва унда мавжуд топшириқларнинг йўналтирилганлиги билан аниқланади. Бундай топшириқлар сирасига қуйидагилар киради: 1) талабалар танлови бўйича бажариладиган топшириқлар; 2) ҳар хил қийинчилик даражаларидаги топшириқлар; 3) индивидуал ва гуруҳли топшириқлар; 4) репродуктив ва ижодий топшириқлар; 5) шаклланиш даражасини доминант баҳолашга қаратилган профессионал ўзини ўзи аниқлашнинг таркибий қисмларидан бири топшириқлар; 6) интерфаол (лойиҳавий ёки тадқиқотчилик) топшириқлар.

Бундай ҳолда, педагогик назоратнинг анъанавий ташкилий шакллари, тест ва бошқалар талабаларни касбий фаолиятга жалб қилиш асосида таълим мақсадларига эришиш даражасини тизимли ва объектив баҳолашга имкон беради. Касбий ўзини ўзи белгилаш динамикаси натижаларини баҳолаш предметига киритилиши эса ушбу жараённинг таълимий, *рағбатлантирувчи ва тарбиявий* функцияларининг ролини кучайтиришга имкон беради.

Олий таълим Давлат таълим стандарти ва малака талаблари нуктаи назардан олий таълимда таълим натижаларини баҳолаш тизимини лойиҳалаштириш ва амалга оширишга ёндашувларнинг янгилиги шундан иборатки, олий таълим муассасида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишда талабаларнинг ўзини ўзи баҳолаш фаолиятига алоҳида ўрин ажратамиз. Айнан, у олий таълим муассаси ўқув жараёнига мазмун ташкил этувчи дискурс беради ва касбий ўзини ўзи белгилашни шакллантиришнинг самарадорлигини кўп жиҳатдан аниқлайди. Рефлексия механизмини ишга туширишни рағбатлантириш ва талабаларни ўзини ўзи

баҳолашга ўргатиш мақсадида эса уларни фикрлашга ўргатишнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: интерфаол технологиялар (мунозаралар, диспутлар, ўқув конференциялари); ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари рейтинги; талабаларнинг ўқув билиш, лойиҳалаш ва тадқиқотчилик фаолияти маҳсулотларини таҳлил қилиш ва баҳолаш (эсселар, ижтимоий-педагогик лойиҳалар, рефератлар, илмий маърузалар ва тақдимотлар), ўзаро бир бирини баҳолаш, шарҳ ва бошқалар. Бўлажак ўқитувчиларни мустақил ишлаш жараёнида касбий ўзини ўзи баҳолаш варақлари, турли хил ўзини ўзи баҳолаш матрицалари, сўровномалар, ўз-ўзини кузатиш ва бошқалар асосида ўзини ўзи баҳолаш фаолиятига қўшилиши талабалар ўзларининг ривожланишининг ижобий натижаларини тезда аниқлашни, шунингдек, ўз билиш фаолиятидаги муаммолар, хатар ва қийинчиликларни аниқлашни тезда ўрганаётганликларини кўрсатди. Натижада, талабалар онгли равишда билиш ва касбий фаолият субъекти сифатида ўз ҳолатларини танқидий таҳлил қилиб, ўз натижалари нуқтаи назаридан ўзларини англайди ва баҳолайди ҳамда ва касбий ўзини ўзи аниқлашнинг келгусидаги истиқболларини аниқлай бошладилар.

Илмий изланишларнинг асосий мантиқий процедураларига таянган ҳолда – муаммолаштириш, концептуаллаштириш, технологиялаштириш ва рефлексияга таяниб, биз ўқув жараёнининг бориши ва янги натижаларини баҳолаш тизимида узоқ муддатли кузатиш жараёни сифатида педагогик мониторингнинг ўрни ва ролини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бундан биз таълимнинг ривожлантирувчи функциясини амалга ошириш олий таълим муассасидаги бутун ўқиш даврида талаба шахсининг касбий шаклланишига йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш ва лойиҳалашни ўз ичига олишидан келиб чиқдик.

Олий таълим муассасида ўқиш босқичида *касбийшаклланиш* психологик ва педагогик тадқиқотларда шахсни ижтимоийлаштириш ва индивидуаллаштириш шакли сифатида кўриб чиқилган. Илмий нашрларда таъкидланишича, ушбу жараённинг муваффақияти ижтимоий муҳитга ҳам, талабаларнинг индивидуал психофизиологик, шахсий, ижтимоий ва бошқа

хусусиятларига ҳам таъсир қилади .Айнан шу сабабли, ушбу давр мобайнида талаба касбий шаклланишининг нафақат ижобий, балки салбий натижалари ҳам мавжуд. Талабаларнинг касбий шаклланишининг олий таълим муассасаси босқичидаги салбий натижаларга йўл қўймаслик учун индивидуал таълим йўналишларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш усуллари ва воситаларини назарий ва услубий асослаш асосида олий таълимда ўқув жараёнини индивидуаллаштиришни максимал даражада ошириш керак.

Бу олий таълим муассасасиларда ўқув жараёнини ташкил этиш учун айниқса муҳимдир, Чунки, бўлажак ўқитувчиларнинг индивидуал таълим йўналишларини амалга оширишга жалб қилиниши уларга келажакда касбий фаолиятини моделлаштириш учун асос бўлиши мумкин бўлган таълим ва тарбияни индивидуаллаштириш тажрибасини шакллантиришга имкон беради.

Бироқ, ҳозирги вақтда, бўлажак ўқитувчилар учун касбий тайёргарликни таъминлайдиган кўплаб олий таълим муассасасиларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолашда талабаларнинг ижтимоий-демографик, психофизиологик, нейропсихологик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олмайди. Ушбу вазиятнинг сабабларидан бири бу хусусиятларнинг белгиларини ўқитувчиларнинг етарли даражада билмаслиги. Замонавий талабаларнинг ёшга боғлиқ психофизиологик ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олмасдан, талабаларнинг ижтимоий ўзига хос хусусиятларини аниқламасдан ҳамда аниқланган қизиқишлар, имкониятлар, муаммолар ва мослашув қийинчиликларига асосланган ҳолда улар билан ўзаротаъсирлашувнинг табақалаштирилган стратегияларини ишлаб чиқмасдан индивидуал таълим жараёнини қуриш мумкин эмас. Ушбу ёндашув олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг жорий, оралиқ ва якуний натижаларини тизимли баҳолашни ўз ичига олади.

Тадқиқотчилар таъкидлашича, баҳолашнинг муайян воситалари ва уларни амалиётда қўллаш процедураларини танлаш баҳолаш натижаларидан, қайси мақсадларга эришиш ва қайси топшириқларни ҳал қилиш учун ким ва қандай фойдаланишини режалаштиришга боғлиқ. Таълим натижаларини объектив ва

адолатли баҳолаш учун нафақат талабалар томонидан маълум бир вақтнинг ўзида эришилган натижаларга эътибор қаратиш, балки бир неча ўқиш ва баҳолаш цикларида уларнинг динамикасини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаш муҳимдир [110, 112]. Олий таълим муассасасидаги замонавий ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг муҳим хусусиятларидан бири бу уни индивидуаллаштиришдир. Баҳолаш жараёнида биз касбий шаклланишнинг бошланғич даражасини маълум вақтдан кейин эришилган даража билан таққослаймиз. Шундай қилиб, ўқув жараёни натижаларини объектив баҳолаш учун биз талабанинг шахсий ва касбий ривожланишининг бошланғич даражасини билишимиз керак. Шу сабабли, бизнинг тадқиқотимизда баҳолаш объектларидан бири сифатида биринчи курс талабаларининг билиш қийинчиликлари, уларнинг олий таълим муассасасида ўқиш шароитларига мослашишишидаги қийинчиликлар қаралган.

Билиш қийинчиликларни ва уларни бартараф этиш усулларини ўрганишда, қоидага қўра, шахсни сенсорли-перцептивли ташкил этиш, яъни билиш ахборатини қабул қилиш, идрок этиш ва қайта ишлашнинг етакчи канали ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, ўқишдаги мотивацион-қадриятлиги, умумўқув, ташкилий-ўқув, коммуникатив ва рефлексив қийинчиликларини ўрганишда, талабанинг мия ярим шарларининг нейрopsихологик хусусияти аниқланмайди. Шу билан бирга, у миянинг етакчи ярим шарининг индивидуал ролини аниқлайди, бу асосан талабаларнинг визуаллаштириш ва клипга ўхшаш идрокини ва фикрлашини белгилайди ҳамда шу билан уларнинг академик муваффақиятларига таъсир қилади.

Бундан ташқари, психологлар ёш авлод билан содир бўлган қуйидаги муҳим психофизиологик ўзгаришларни ҳам таъкидлашади: ювенилизация (вояга етмаганлар), инфантилизация, андрогиния, қоқоқлик ва секинлашув. Бу эса ўз навбатида, уларни олий таълим муассасасида талабаларнинг касбий ривожланишига йўналтирилган ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил

этишда тегишли тузатиш ва санитария шароитларини яратиш асосида ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Бундан кўриниб турибдики, ташхислаш жараёнида олинадиган ахборот ҳажмини баҳолашнинг анъанавий шакллари ва усулларидан фойдаланиб аниқлаб бўлмайди. Бинобарин, талабаларнинг касбий ривожланиши самарадорлигини таҳлил қилишда қабул қилинган ўқув жараёнининг мақсадлари, мазмуни ва технологияларини тартибга солиш бўйича бошқарув ва педагогик қарорлар самарасиз бўлади.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси, олий таълим муассасасининг ўқув жараёнида талабанинг касбий шаклланиши ҳақидаги баҳолаш процедуралари жараёнида олинган маълумотларни тизимлаштиришнинг энг самарали шакли педагогик мониторинг бўлиши мумкин деган тахминни чиқаришга имкон берди, бу талабани дастлабки ҳолати билан таққослагандаги ўзгаришларни доимий равишда кузатиш ва рўйхатга олиш жараёнидир.

Амалга ошириш механизмига кўра, педагогик мониторинг –талабанинг касбий ва шахсий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш тизими бўлиб, бу унинг касбий шаклланиш ҳолатини баҳолашга имкон беради. Бу муаммо олий таълим муассасаси ўқув жараёнида касбий шаклланиш предмети сифатида талабага антропологик ёндошишни ҳисобга олган ҳолда, фақат фанлараро алоқадорлик асосида ҳал қилиниши мумкин. Фанлараро тадқиқотларни самарали ташкил этиш эса қуйидаги учта асосий муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

1) *методологик*; 2) *ташкилий*; 3) *ахборотли* Талабани фанлараро алоқадорликга ўргатишнинг *услубий таъминотининг* мураккаблиги шундан иборатки, вакиллари мониторингда иштирок этадиган фанлар воситалари ёрдамида талабанинг ривожланишини ташхисловчи объект аниқланадиган тадқиқот предмети шакллантириш лозим. Шу билан бирга, мониторинг натижаларини талқин қилиш, касбий ривожланиш объекти сифатида ўрганиш объекти тўғрисида янги ва тегишли тизим билимларини олишимизга имкон бериши жуда муҳимдир.

Ушбу ишни бажариш учун эса фанлараро педагогик мониторингни *ташкил этишининг яна бир муаммосини, яъни командани* яратиш керак. Бу топшириқ биринчи қарашда фақат *ташкилий* кўринади. Бу ишда инсониятни ўрганадиган кўплаб фанлар мутахассислари (психологлар, ўқитувчилар, социологлар, физиологлар, математиклар ва бошқалар) мунтазам равишда тақдим этилиши жуда муҳимдир. Ушбу ёндашув талабани ривожланишнинг олий таълим муассасаси босқичида касбий ривожланиш субъекти сифатида мутлақо намоёиш этиш имконини беради, аммо шу билан ўқитувчилар гуруҳи ҳамфиқрлилар бирлашмасига айланиши учун, касбий фаолиятнинг умумий қадриятли -мазмунли асослари зарур.

Бу ахлоқий ва илмий позицияларнинг умумийлиги бўлиб, олинган натижаларни самарали талқин қилиш, керакли маълумотлар базасини яратиш ва уларни ўқув амалиётига киритиш мақсадида технологиялаштиришга имкон беради.

Объектларни фанлараро алоқадорлик асосида ўрганишда ушбу ахборот муаммосини ҳал қилишнинг қийинлиги [42] томонидан огоҳлантирилган, у шундай ёзган: “Асосийси, турли ғоялар ва билимлар ўртасида ўтиш жараёни бўлиши керак ва бу улар билан бир вақтнинг ўзида муайян алоқаларни ўрнатиш имкониятини аниқлатади”.

Ушбу процедуралар фақат уларга мос келадиган “проекциялар” мавжуд бўлгандагина мавжуд бўлиши ва “ишлаши” мумкинлигини пайқаш осон.

Бинобиран ҳар қандай маълумотни синтез қилиш уни олиш усули билан чамбарчас боғлиқдир” [140].

Ривожланишнинг олий таълим муассасаси босқичида талабанинг касбий шаклланишининг бориши ва натижаларини баҳолаш мезонларини аниқлашда ушбу қийинчиликларни енгиб ўтишга, маълум даражада кўпгина таълимга оид фанларда қўлланиладиган фанлараро алоқадорлик тушунчалари аниқлашга ёрдам беради. Олий таълим муассасаси талабасининг касбий шаклланишини ўрганиш жараёнида биз адабиётларда тўлиқ тавсифланган ўқув жараёни субъектининг шахсий, билиш ва касбий потенциалларини ана шундай асосий

тушунчалар каторига киритдик. Таълим соҳасидаги кўплаб фанлар бўйича мутахассисларнинг мониторингда иштирок этиши ушбу тушунчалар мазмунини тизимли равишда тўлдиришга имкон беради ва олий таълим муассасаси битирувчисини юқори даражали касб эгаси сифатида яхлит тавсифлайди.

Ишни бошлашдан олдин, биз ривожланиш олий таълим муассасаси босқичида талабанинг касбий шаклланишининг бориши ва натижаларини баҳолаш учун педагогик мониторинг жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш топшириғининг кенг кўламлилигини англадик ва шунинг учун ҳам олий таълим муассасаси технологик таълим йўналишида ўқитиладиган “Технологик таълим ўқитиш методикаси” фанини ўрганиш материаллари асосида ушбу ишнинг дастлабки концептуал ва технологик асослари пилотли синовдан ўтказилди.

Биз ўтказилган мониторингни бир неча босқичларга ажратдик.

1 босқич – олий таълим муассасаси ўқув жараёнида талабанинг касбий шаклланишини баҳолаш объекти сифатида қараб, мониторингнинг мақсад ва топшириқларини аниқлаш. Тадқиқот предмети сифатида эса биринчи курс талабаларининг психофизиологик, нейропсихологик ва ижтимоий-демографик хусусиятлари билан шартлашилган уларнинг билиш қийинчиликлар ташхиси белгиланган.

2 босқич – мониторинг дастурини ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда тадқиқотнинг базаси, усуллари ва шакллари аниқланди; ташхислаш воситалар танланди, мезонларга асосланган баҳолаш аппарати ва натижаларни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди ва ижрочилар гуруҳи шакллантирилди. Талабаларнинг билиш фаолияти натижаларини мустақил баҳолаш учун воситаларни танлаш алоҳида ўрин эгаллади.

3 босқич – мониторинг ўтказиш. Ушбу босқичдаги ишлар ташхислаш воситаларини тузатишга, талабаларнинг шахсий ва касбий ривожланиш динамикаси тўғрисида маълумот тўплаш усуллариининг имкониятларини

кенгайтирди ва бажарилаётган ишнинг қадриятли-мазмунли асосларини мувозанатлаштирди.

4 босқич – натижаларни қайта ишлаш. Ушбу босқич ҳозирги кунга қадар мураккаб босқич бўлиб ҳисобланади, Чунки, натижаларни аниқлаш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш педагогик мониторинг иштирокчиларига қийинчилик туғдирадиган ахборот қиммуникация технологиялари ва математик статистика усулларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

5 босқич – натижаларни дастлабки таҳлил қилиш барча иштирокчилар корреляцион таҳлил, фаторли таҳлил ва кластерли таҳлил технологияларини ўзлаштиришлари кераклигини кўрсатди. Олинган маълумотларни қайта ишлашнинг ушбу усулларини эътиборга олмасдан, олий таълим муассаси ўқув жараёнида талаба касбий ривожланишининг ижобий хусусиятини аниқлайдиган асосий омиллар ва боғлиқликларни аниқлаш мумкин эмас.

ббосқич – натижалардан ўқув фаолиятида фойдаланишни муҳокама қилиш. Ушбу босқич мониторинг иштирокчиларининг мотивациясини ўзгартиришда, шунингдек ўқитувчиларни интерфаол таълим технологияларидан (ўйин техникали, мулоқат қилиш, компьютер, лойиҳавий тадқиқот) фойдаланишга ундашда фойдали бўлди.

Пилотли мониторинг ўтказиш ўқитувчиларни ҳам, талабаларни ҳам ўқув фаолиятининг қадриятли мазмунли асосларини ривожлантиришда сезиларли фаоллаштирди, талабанинг фаол билиш позициясини ривожлантириш асосида билиш фаолиятининг индивидуал хусусиятини сезиларли даражада кучайтирди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичининг муҳим натижаси талабаларнинг шахсий ва касбий ривожланишининг бир бирига таъсири ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш эди. Мониторинг, шу жумладан ўқув жараёни натижаларини жорий ва оралиқ баҳолаш натижалари, *педагогик баҳолашнинг асосий миссиясини*, яъни ўқитувчилар ва олий таълим муассаси раҳбарларига талабаларнинг шахсий ва касбий ўсиши ҳақида ўз вақтида ва ишончли маълумотларни тақдим этишни кучайтиради.

Фанлараро педагогик мониторингнинг услубий, ташкилий, педагогик ва ахборот муаммолари, ўқитувчилар ва талабаларнинг тармоқли ўзаротаъсирлашувини ташкил этиш масалалари, ҳар бир талабанинг касбий ривожланиш динамикасини акс эттирувчи индивидуаллаштирилган маълумотлар базаларини куриш, шунингдек вариатив мониторинг маълумотларини изоҳлашда муросага эришиш топшириқлари кейинги ишланмаларни талаб қилади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Бугунги кунда ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёни мазмунини давр талабларига мослаштириш, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш, уларда таълим олувчилар билан самарали ишлаш, ўқув ютуқларини аниқлаш, шу асосда ўқув жараёнини баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Шу мақсадда талаба шахсини ўрганиш, унинг ўқув ютуқларини назорат қилиш ва баҳолаш методикалари билан бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини қуроллантиришнинг назарий-эмпирик асосларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Олий таълим тизимида ижодкор, касбий тафаккур ва рефлексияга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, уларни замонавий касбий билимлар билан қуроллантириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг асосини шахсга йўналтирилган таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ўзига хосликларини кашф этиш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогларни тайёрлаш механизмларини ишлаб чиқиш ташкил этади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида талабаларнинг ўқув ютуқлари, ўқув натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш жараёни ўзининг муайян педагогик-психологик йўналишларига эга. Бу хусусиятларни аниқлаш ва ўқув жараёнини мазкур йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш муайян даражада самарадорликни таъминлаш имконини беради.

Инновацион таълим технологиялари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари ва ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантиришда алоҳида имкониятларга эга. Ушбу жараёнда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини талабаларнинг ўзлаштириш даражалари ва ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг илғор методикалари билан қуроллантириш тақозо қилинмоқда.

II БОБ.БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ

2.1. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методлари, шакллари ва воситалари.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишда инновацион таълим методлари, шакллари ва воситаларининг ўрнининг ёритиш зарурияти пайдо бўлди. Шунининг олган ҳолда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим методлари, шакллари ва воситаларига оид маълумотларни эслаш топшириғи берилганда, кўпчилик талабалар асосли жавоб бера олишмади. Бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг бирдан – бир йўли таълим методлари, шакллари ва воситаларига оид маълумотларни такрорлаш деб эътироф этилди.

Метод (юнонча *metodos* – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълим) – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули [134].

Метод – метод (юнонча – айнан нимагадир йўл) мақсадга эришиш йўлини билдиради. Муайян маънода тартибга солинадиган фаолият. Грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ маъноларини билдиради. Одатда, кенг маънода қўланиладиган «метод» терминини кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятлари усулларини англатади.

“Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади.” [78]

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методлари, шакллари ва воситалари борасида аниқ тўхтамга келинди. Талабаларни ўқув жараёни натижаларини баҳолашда модулли – рейтинг тизими қўл келди. Унинг

мазмун мохияти талабаларга етказилди. Модулли - рейтинг тизимини жорий этишнинг асосий мақсади:

- ўқув жараёнини жадаллаштириш , ўқувчилар меҳнатини кучайтириш орқали таълим сифатини ошириш ва доимий мониторингни амалга ошириш;
- рейтинг баҳолашни амалга ошириш;
- шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш;
- таълим модулини амалиётга жорий этишдир.

Модулли - рейтинг машғулотларининг технологик харитаси.
 ФАН "Технологик таълим практикуми", 6- семестр, мавзу “Ранда билан ишлаш”.

Модул Қайси ойда	Ўқув элементлари	Топшириқ мазмуни	Фаолиятни бошқариш	Қўйилган баллар
		Бажарилиши керак бўлган ишлар:Тушунчаларнинг мохиятини билиш;Иш усулларини билиш;Техник хавфсизликка риоя қилиш; Ёғоч турларини ажрата олиш; Ранда ва арраларнинг турларини билиш ва мохиятини англаш		
5 март	Ўэ №1	Кириш назорати. Мақсад:янги ўқув материалларини идрок этишга тайёргарлигини билиш	Бугунги мавзу хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир қатор саволларга жавоб беринг: А)Ранда билан ишлашнинг қанақанги усуларини биласиз? Б)Ранданинг қанақанги турларини биларҳасиз? В)Ёғочни итекислашда қайси рандани ишлатасиз?...	Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл. Максимал 3 балл

	ЎЭ№ 2	Мақсад: ранда билан ишлашга оид билимларни шакллантириш. Усуллардан тўғри фойдаланишга ўргатиш. Топшириқларни бажартириш. Қўл меҳнати жараёнини назорат қилиш	Қуйидаги манбалардан фойдаланинг. 1.Махкамов С. “Ўқув устахонларида ўтқазиладиган амалий машғулотлар” Т.1982 й 2.Давлатов К,ВарабёвВ “Меҳнат ва касб таълим назарияси ҳамда методикаси” Тошкент ўқитувчи 1992.й 3.Крейндлин “Ёғочсозлик ишлари” ўқитувчи 1976.й	Ҳар бир топширикни тўғри бажаргани учун 3 балл.Максимум м 15 балл. Қўшимчалар учун 1 баллдан.Жавобларни коррективроқ қилгани учун максимум – 5 балл.
	ЎЭ№ 3	Чиқиш назорати. Мақсад: мавзу бўйича билимларингизни текшириб кўринг.Тестларни бажариб ўқитувчига топширинг	Тестдан фойдаланиш	Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл.Максимум 10 балл
	ЎЭ№ 4	Рефлексия . Мақсадга эришдингизми? Тўплаган балларни ҳисобланг ва ўзингизга баҳо беринг		

2.2.1. жадвал.

Талабаларни таълим натижаларини баҳолашга ўргатишда модулли - рейтинг машғулотларининг технологик харитаси .

Балония келишувларини амалга ошириш доирасида ўқув жараёнини модернизация қилиш орқали ташқи ва ички сифатларни таъминлаш тизимини яратиш ва кўп даражали таълимни жорий этиш бир қаторда,ўқув жараёнига мажбурий ўтишни таъминлайди. Европа кредит тизими биринчи навбатда осон

Ўқитиладиган ва таққосланадиган қўшимчаларни олишга шунингдек талабаларнинг кенг қўламдаги ҳаракатчанлигини қўллаб – қувватлашга қаратилган. [28]

Асосийси бу тизимда анъанавий баҳолашнинг мавжуд эмаслиги. Анъанавий тизимнинг асосий камчилиги фаол ва ритмик фаолиятга йўналтирилмаганлигидир. У асосан талабаларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилишга қаратилган, ҳар бир талабанинг сессиялараро давридаги муаффақиятини дифференциал баҳолашга йўналтирилмаган. [109] Россияда таълим тизимининг Волония жараёнига кириши ва баҳолаш тизимининг халқаро даражага яқинлашиши муносабати билан анъанавий беш балли тизим иккита ўрта баҳо билан тўлдирилди: “ жуда яхши”, ва “ ўртача”. Бу баҳолаш тизими қуйидаги кўринишга эгаллиги Л.А. Габдрахманова, В.С. Бухмин, Е.Я. Балашова, Е.А. Соколова, К.С. Фатхулловаларнинг ишларида ўз аксини топган [47], ЕСТС тизими бўйича:

Баллар / фоиз Балл рейтинг тизими	Балл – рейтинг тизими бўйича тахминлар	Анъанавий РФни баҳолаш	Кенгайтирилган ўлчов анъанавий баҳолаш	Тахминан АКТ
91-100	Аъло	беш	беш	А
81-90	Жуда яхши	тўрт	4+	Б
71-80	Яхши	тўрт	тўрт	С
61-70	Қониқарли	3	3	Д.
51-60	Ўртамиёна	3	3-	Е
0-50	Қониқарсиз	2	2	Ф, ФХ

- "академик кредит" тушунчаси талабанинг ўқув ишининг меҳнат зичлиги бирлиги сифатида киритилган; битта ўқув йили 60 ЕСТС -кредитга тўғри келади, бу тахминан 1500-1800 академик соатни ташкил этади, яъни битта кредит 25-30 соатга тўғри келади (Россия Федерал Давлат Таълим Стандартида - 32 академик соат);

- бакалавр даражасини олиш учун камида 180 та кредит (уч йиллик ўқиш) ёки камида 240 та - тўрт йил давомида тўплаш керак; магистр даражасини олиш учун талаба, қоида тариқасида, жами камида 300 та кредит тўплаши керак (яъни магистр бўлиш учун бакалавр даражаси 60 дан 120 гача ЕСТС кредитини олиши керак);

- фан бўйича кредитлар сони касрли бўлиши мумкин эмас (истисно тариқасида 0,5 та кредит олишга рухсат берилади); семестрдаги кредитлар миқдори 30 га тенг бўлиши керак;

- кредитлар фан бўйича якуний тест (имтиҳон, тест, тест ва бошқалар) муваффақиятли топширилгандан сўнг (ижобий баҳо) тўпланади;

- интизом бўйича ҳисобланган кредитлар сони баҳога боғлиқ эмас;

- кредитларни ҳисоблашда талабаларнинг ўқув фаолиятининг барча турлари меҳнат зичлигига қараб ҳисобга олинади: аудитория юки, мустақил иш, рефератлар, курс ишлари ва тезислар, магистрлик диссертатсиясини ёзиш, амалиёт, амалиёт, имтиҳонларга тайёргарлик, имтиҳонларни топшириш ва ҳк.

- аудитория соатлари ва мустақил иш соатларининг нисбати марказий тартибга солинмаган ва фан учун кредитлар сонига таъсир қилмайди;
- ўқувчиларнинг синфларга қатнашиши кредит қўшмайди;
- университет ёки ўқитувчининг ихтиёрига биноан синф дарсларининг йўқлиги фан учун олинган кредитларнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

ECTS бўйича баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчидан, кредитни ўзлаштириш ва олиш муваффақиятининг минимал (танқидий) қиймати белгиланади (масалан, индивидуал топшириқлар учун тўпланган баллар миқдори бўйича), талабалар "ўтган" мезонларга кўра иккита кичик гуруҳга бўлинади. "(ўтиш) - тўпланган баллар миқдори танқидий кўрсаткичдан паст эмас; "Ҳисобга олинмайди" (муваффақиятсиз) - баллар йиғиндиси муҳим қийматдан пастроқ, яъни кредит берилмайди. Бундан ташқари, ушбу кичик гуруҳларнинг ҳар биридаги иш алоҳида ўлчанади. "Ўтди" белгисини олганлар, ўз навбатида, бешта кичик гуруҳга бўлинади.

Рейтингдаги жойига қараб талабаларга ECTS шкаласи бўйича қуйидаги ижобий баҳолар қўйилади: 1) 10% А баҳо олади (кичик хатолар билан ажойиб натижа); 2) кейинги 25% - Б даражаси (ўртача даражадан юқори, аммо баъзи хатоларга йўл қўйган); 3) кейинги 30% - С даражаси (умуман, улар зарур турдаги вазифаларни бажарадилар ва тўғри ишлашади, лекин бир нечта жиддий хатоларга йўл қўядилар); 4) кейинги 25% - Д даражаси (жиддий хатоларга йўл қўйилади); 5) охириги 10% - Е даражаси (назорат ишлари минимал даражада тўғри бажарилган). Ўқув кўрсаткичлари "ўтмади" сўзи билан аниқланадиган муваффақиятсиз талабалар, шунингдек, иккита кичик гуруҳга бўлинади: 1) ФХ - ижобий баҳо олиш учун бироз қўшимча иш керак; 2) Ф - ўқув мақсадларига катта даражада эришилмади ва жиддий қайта кўриб чиқишни талаб қилади

БМ (базовий минимум- асосий минимум) минимум базасининг ҳажми ва баҳоланиши. Маълумки, асосий ҳужжатларрус тилидаги ўқув интизомининг мазмунини аниқлашуниверситетлар, бу давлат таълим стандарти ва иш дастури. Иккинчиси таълимнинг бутун ҳажмини ўзлаштирилиши керак бўлган материалларни ўз ичига олади [29]

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини “Назорат”, “Бошқарувнинг асосий функциялари”, “Ривожлантирувчи функция”, “Мотивацион функция”, “Диагностик функция”, “Башорат қилувчи функция”, “Назорат турлари”, “Белги”, “Баҳо” каби тушунчаларнинг мазмуни билан таништирилди.

Назорат - бу ўқув стандартлари ва ўқув дастурларида режалаштирилган натижалар билан, ҳар бир талабанинг ўқув фаолиятида эришилган реал натижаларининг мос келиш даражасини белгилашга қаратилган, талабаларнинг таълим ютуқларини текшириш ва баҳолаш тартиби.

Назоратнинг асосий функциялари

Ривожлантирувчи функция - иродавий, ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлар шаклланишида шахсан талабанинг фаоллиги натижасида амалга оширилади;

Мотивацион функция - ўқиш учун мотив ва эҳтиёжни ривожлантиради;

Диагностик функция - хатолар, камчиликлар тўғрисида маълумот олиш орқали ўқитиш усуллари ва воситаларининг мазмунини янада такомиллаштириш йўналишини аниқлаб беради.

Башорат қилувчи функция - таълим жараёни тўғрисида илғор маълумотларни олиш учун хизмат қилади. Ўқув материалининг кейинги қисмини ўзлаштириш учун етарли даражада шаклланган ўзига хос билим, кўникма ва малакалардир. Назорат турлари:

1. Дастлабки назорат - бу ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзу ёки бўлим бўйича билимлари, қобилиятлари ва кўникмаларини аниқлашга қаратилган жараён. Ўз ишларини режалаштириш учун ўқитувчи ким билиши ва нимани билиши кераклигини аниқлаб олади. Бу назорат тури эътиборини қаерда кўпроқ қаратишни, қайси саволлар кўпроқ вақт талаб қилишни ва ҳар бир талабага индивидуал ёндашишни аниқлашга ёрдам беради.

2. Жорий назорат - ҳар куни талабаларнинг ўқув материалларини қай даражада ўзлаштирилганлигини текшириш ва билимидаги бўшлиқларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

3. Мавзули назорат - вақти-вақти такрорланадиган ва умумлаштирувчи дарсларда амалга ошириладиган назорат тури.

4. Якуний назорат - сессиялар якунида амалга оширилади.

Баҳолаш таълим фаолияти натижаларининг кўрсаткичи сифатида:

Баҳолаш - бу шахс томонидан амалга ошириладиган баҳолаш жараёни, фаолияти (ёки ҳаракати). Баҳолашнинг аниқлиги ва тўлиқлиги мақсад сари ҳаракатнинг рационаллигини белгилайди.

Баҳолаш талабани ўрганиш, ижобий мотиватсия ва шахсга таъсирини рағбатлантириш учун ўқитувчи ихтиёридаги энг самарали воситалардан биридир

Талабалар фаолиятининг миқдорий кўрсаткичи:

Белги - бу талабалар билимларининг рақамли ифодаси.

Белгиланган баҳо (балл) - бу талабалар ўқув билиш фаолиятининг расмий акс этиши. Баҳолаш асосидаги белги – талабалар билимининг расмий-мантиқий натижаси.

• Баҳо - бу мукофот ва жазо хусусиятларини бирлаштирган педагогик рағбатлантириш: яхши баҳо - мукофот, ёмон баҳо - жазо.

Юқоридаги маълумотлар талабаларга етказилгандан сўнг уларни назорат қилиш ва баҳолашга тайёрлаш жараёни амалга оширила бошланди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга тайёрлашда инновацион ўқитиш методлари хусусан, талабалар ўқув-билув фаолиятини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилди.

Инновацион методлар ўз ичига: “Ўқитишнинг 4 поғонали усули”,

”Айспринг тест”“Портфолио”, “Катанотест”, “Муаммоли баён”;;”Ишчан ўйинлар”;; “Ролли ўйинлар”;; “Карусель”;; , “Қарорлар шажараси”;; “Блиц-сўров”;; “Ўқув мунозаралари”;; “Сукротона савол-жавоб” ва бошқаларни қамраб олади.

Биз қуйида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини баҳолаш соҳасидаги билим, кўникма, малака ва

компетенцияларини такомиллаштириш ва аниқлашга хизмат қиладиган методлардан ҳам кенг фойдаланилди..

Шунга кўра, изланишлар давомида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шакллантиришнинг методлари, шакллари ва воситаларига амал қилган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Уларга таълим жараёни натижаларини баҳолашда яхши самара берадиган замонавий методлар билан ишлаш кўникмалари шакллантирилиб борилди.

“Ўқитишнинг 4 поғонали усули”. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига кўл меҳнатига оид билим, кўникма, малакаларни шакллантириш. Бунда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғонада амалга оширилиб борилди. Булар: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Бу усулнинг мазмуни ва баҳолаш тартиби 8-иловада берилди.

“Айспринг тест” - iSpring QuizMaker - бу тасвирлар, аудио, видео ва формулалардан фойдаланган ҳолда интерактив тестлар ва сўровномалар яратиш учун ишлатилиши осон дастур. Дастурда 23 тоифадаги саволлар мавжуд: 11 баҳолаш саволлари ва 12 сўровнома саволлари. Бундан ташқари, битта тестда ҳар хил турдаги саволларни бирлаштириш мумкин iSpring QuizMakerFlash и HTML5 форматидаги тестлар ва сўровномаларни компьютерлар ва мобил қурилмаларда, шу жумладан iPad и iPhoneда фойдаланиш учун қулай қилиб сақлашга имкон берди. iSpring Quiz Makerнинг кўшимча функциялари - тест ва сўровномаларни янада самарали қилиш имкониятини яратиб берди. Савол – жавобга расмлар, аудио, видео, ва формулаларни жойлаштиришдаги қулайликлар, саволга жавоб бериш учун хабарларни созлаш, ахборот слайдларини яратиш, саволларни гуруҳларга бирлаштириш, турли гуруҳлардан керакли микдордаги саволларни тасодиқий танлаш, ноёб тест дизайнини яратиш, саволларни Мисрософт экселдан импорт қилиш, мослашувчан балл, синовни топшириш қоидаларини белгилаш: муддат, жарима баллари, синовни кўриш учун плеерни лойиҳалаштириш ва созлаш, iSpring QuizMakerнингда

яратилган викториналар ва сўровномалар Интернетда жойлаштирилиши, Мисрософт Ворд-га экспорт қилиниши, шунингдек Moodle, BlackBoard, iSpring Online ва бошқа SCORM, AICC и Tin Can API стандартларини қўллаб-қувватлайдиган тизимларига юкланиши мумкин бўлган имкониятлардан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда талабалар порфолиосини яратиш ва унинг мазмуни қуйидагича акс этирилди.

“Портфолио” (ингл. “portfolio” – “портфел”, “ҳужжатлар солинадиган сумка”) – автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами Ушбу тўплам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиладиган индивидуал папка. Талабалар портфолиоси бир сўз билан изоҳлаганда бу ўзини реклама қилишдир. Ўқув портфолиосининг имкониятлари қуйидагиларда намаён бўлди:

- талабанинг ютуқларини қайд қилиш;
- талабанинг билиш даражасини баҳолаш мониторинг қилиш;
- талабанинг имкониятларини билиб бориш ва унга керакли маслаҳатлар бериш;
- талабаларнинг қўл меҳнатини реклама қилиш;
- туристлар учун ташкил этиладиган кўرғазмаларда ўз маҳсулотлари билан қатнашиш.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига баҳолашга ўргатишда партфолиодан фойдаланиш технологияси иловада берилган (3-илова)

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича кўринишда бўлиши, яъни электрон, босма ва қоғоз вариантлари борлиги тушунтирилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига қуйидаги тарзда портфолиони яратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

1. Яратилган қўл меҳнати маҳсулотларининг истиқболли томонлари.
2. Яратилган қўл меҳнатининг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдаги аҳамиятлилиги. (патентлаштиришни таъминлайди).
3. Тадбиркорлар кўрғазмаларида фаол иштироки.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг портфолиолари қуйидаги тарзда яратилди:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари

(1. “Мен ҳақимда маълумот. 2. Портфолио-таълим (талаба томонидан яратилган ижодий ишлар мутахассислик фанлари бўйича). 3. Иш материаллари: “Ёғоч билан ишлаш”, “Қоғоз билан ишлаш”, “Юмшоқ материаллар билан ишлаш”, “Чиқинди материаллари билан ишлаш” (газлама, қоғозлар). 4. Шахсий ютуқлар (талабанинг қўл меҳнати натижалари). Портфолия бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида умумлашган психологик ва услубий билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини ижодий нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш, реал ҳақиқий амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни янги билимлар билан янада бойитишга хизмат қилди.

Кейинги баҳолаш усули катана тест ҳисобланади. Одатий тестлардан унинг фарқи топшириқ шундай тўзилганки, талаба саволга жавоб бермагунча кейинги саволга ўтиб бўлмайди. (4-илова)

Билимни баҳолашнинг замонавий усулларида бири бу контекстли вазифадир. Бу мотивация вазифаси бўлиб, бунда талабаларнинг ижтимоий – маданий тажрибаси билан боғлиқ бўлган аниқ ҳаётий вазифа тавсифланади. Бундаги муаммонинг ечими ўқув муаммоси билан боғланади.

Контекстли вазифалар тўзишда аниқ воқеалар ҳодисаларга таянилади. Бундан кўзланган мақсад талабалар мустақил равишда хулоса қабул қила олишидир.

Талабаларни ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатадиган усул ва методлар, биринчи навбатда:

а) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёнига нисбатан қизиқиш уйғотиб, уни ҳар томонлама таҳлил қилишга йўналтиради;

б) бўлажак технологик таълим ўқитувчилари таҳлилий ёндашув асосида ўқув жараёнида вужудга келган қийинчиликлар ва бўшлиқларни аниқлашга ҳаракат қиладилар;

в) баҳолашга оид объектив ёнлашувлар бўлажак педагогларда таълим жараёнига нисбатан объектив муносабатни шакллантиради;

г) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш соҳасидаги методикаларни самарали ўзлаштиришлари учун шароит яратади;

д) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида технологик жараёнларни аниқ назорат қилиш ва баҳолаш услубларини шакллантиради;

е) педагогик амалиётда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг тескари алоқани амалга оширишлари учун қулайлик туғдиради;

ё) бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим олувчиларнинг меҳнатига нисбатан хайрихоҳлик, объективлик, ижобий ва танқидий муносабатда бўлиш тажрибасини шакллантиради.

Замонавий баҳолаш воситалари. “Эвалюация” лотинчада ”valor” бу “қиймат “ ва “ е” ҳамда”ex” қўшимчалари бу сўзма – сўз “ баҳолаш” ,” бирон бир нарсанинг қийматини чиқариш” деган маънони англатади.

Ички эвалюация бу таълим муассасаларини текшириш , ўрганиш бўлса , ички эвалюация эса, таълим муассасаларида ўзларини ўзлари назорат қилиши, текшириши ва баҳолашига айтилади.Ташқи баҳолаш ички баҳолашни қамраб олгани каби , ички баҳолаш ҳам ташқи баҳолашни қамраб олади. Мониторинг замонавий баҳолашнинг шакли ва принципи сифатида таълим натижаларини баҳолашда муҳим воситадир.

Мониторинг - бу ўқув натижаларининг самарадорлигини текшириш ва баҳолаш воситаси”

Мониторинг вазифалари;

Диагностик (тизимнинг ҳолати, юзага келадиган ҳолларни ўрганиш) ;

- Эксперт (Таълим тизимининг ҳолатини, концепциясини, шакллари ва усулларини, унинг таркибий қисмларини, натижаларини текшириш);

- Маълумот (ҳолат тўғрисида мунтазам равишда маълумотларни олиш ва талаб қилинадиган тизимни ишлаб чиқиш ҳолати таҳлил қилиш ва баҳолаш тизимини ривожлантириш.

Интеллект-хариталарни қўллаш соҳалари ва интеллект-хариталарни тузиш методикаси (10 иловада келтирилган).

- Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашда интеллект-хариталаридан фойдаланиш қуйидаги функцияларни амалга оширишга имкон беради: ташхисловчи, рағбатлантирувчи, таълимий, ривожлантирувчи ва прогностик.

- Интеллект харитадан фойдаланишда ташхислаш баҳолаш функцияси талабанинг муаммога бўлган нуқтаи назарини, унинг билимлилигини, мантикий операцияларнинг ривожланиш даражасини (таҳлил қилиш, умумлаштириш, таснифлаш ва бошқалар), ўрганилаётган ҳодисанинг бошқалар билан бўлган муносабатларининг мазмунлилигини аниқлашга имкон беради.

- Фойдаланилаётган баҳолаш воситасининг қизиқарли ноанъанавий характери талабаларни бажарилган ишларга қизиқишини кучайтиради, ҳиссий муносабатни келтириб чиқаради ҳамда тақиқларнинг йўқлиги шахсий иштирок этиш, ижодий қобилиятларни очиш, тасаввурни уйғотиш, фанлараро алоқаларни ўрнатиш йўналганликни таъминлайди.

- Таълимий функцияси шундан иборатки, интеллект-хариталардан фойдаланиш талабаларда ўзларининг барча ижодий ва интеллектуал салоҳиятларидан фойдаланган ҳолда маълумотни қандай қилиб самарали тўзишни ва қайта ишлаш, фикрлаш кўникмалари шаклланишига имкон беради.

- Турли асосли ўзора алоқаларни ўрнатиш жараёнида, шахснинг барча билиш жараёнлари боғланади ва ривожланади, бу эса интеллект-хариталардан фойдаланишда ривожланаётган баҳолаш функциясини амалга оширишга имкон беради.

- Прогностик функция талаба томонидан таклиф қилинган тўзилиш схемасини таҳлил қилиш асосида талабанинг ривожланишини прогноз қилишга имкон беради.

- Бизнинг фикримизча, Давлат таълим стандартида бўлажак ўқитувчиларнинг қуйидаги компетенцияларни баҳолаш учун интеллект-хариталардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ватанпарварлик ва фуқаролик позициясини шакллантириш учун тарихий ривожланишнинг асосий босқичлари ва шакллари таҳлил қилиш қобилияти;

- табиатшунослик ва математик билимлардан замонавий ахборот маконига мўлжал олиш учун фойдаланиш имконияти;

- фаолиятнинг турли соҳаларида асосий ҳуқуқий билимлардан фойдаланиш имконияти;

- талабалар учун индивидуал таълим йўналишларини лойиҳалаштириш қобилияти;

- талабаларнинг касбий ўсиши ва шахсий ривожланиш траекторияларини лойиҳалаштириш қобилияти;

- таълим соҳасида тадқиқот муаммоларини шакллантириш ва ҳал қилиш учун тизимли назарий ва амалий билимлардан фойдаланишга тайёрлик;

- турли ижтимоий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини аниқлаш ва шакллантириш қобилияти.

Бўлажак технология фани ўқитувчиларини таълим жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш натижасида талабалар қуйидагиларга эришишди:

- юқори даражадаги касбий майллар ҳосил бўлди;

- ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид билимлари ва кўникмалари мустаҳкамланди;

- таълим оловчиларнинг ютуқларини кўпайтиришга нисбатан мойиллик ҳосил бўлди;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчилари фаол касбий мавқега эга бўлади;

- талабалар орасида таълим оловчиларнинг ўқув меҳнати натижаларига ҳаққоний ёндашув кайфияти ҳосил бўлди;

- таълим оловчиларга нисбатан қадриятли ёндашув тажрибаси шаклланди;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим оловчилар жамоасига нисбатан ҳурмат билан қараш ҳисси таркиб топди;
- бўлажак технологик таълим ўқитувчилари билан профессор-ўқитувчилар орасида демократияга асосланган муносабатлар шаклланди.

Шу билан бир қаторда бўлажак технологик таълим йўналиши талабаларига фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишнинг намунавий мезонлари **(2-илова)** таништирилди. Бунда фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишнинг намунавий мезонлари талабаларга электрон вариантлари ташлаб берилди. Унинг мазмунини ўзлаштириб олиш учун мустақил таълим шакли қўлланилди. Талабаларнинг ёдида қолиши учун баҳс – мунозора тренинги орқали талабаларда баҳслашиш маданияти ҳам шакллантириб борилди.

Бўлажак технологик таълим йўналиши талабаларига Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги НИЗОМ билан танишиш имконияти яратилди. **(5-илова)** Талабаларга низомнинг ҳар бир бандига эътибор қаратиши кераклиги уқтирилди. Талабаларга низомнинг электрон варианты ташлаб берилди. У билан етарли даражада танишиб чиққач, ўқитувчи раҳбарлигида низомнинг ҳар бир банди ўрганиб чиқилди. Савол – жавоблар орқали мустақил равишда ўрганилган низом бўйича билимлари такомиллаштирилди.

2.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш технологияси.

Бугунги кунда ўқитувчи зиммасидаги вазифалар кўлами янада ортмоқда. Бу ўз навбатида, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларидан ўқув жараёни натижаларини баҳолаш методикасини пухта ўзлаштиришни талаб қилмоқда.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий билимларни шакллантириш учун уларнинг ижодкорлик функцияларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, бўлажак технологик таълим ўқитувчилари очик таълим муҳити, таълим олувчиларда ўзларини таълим жараёнининг тўлақонли субъекти сифатида англаш, ўрганилаётган билимлар уларнинг ҳаётида муайян мазмун касб этишини тушуниб етишларини яхши билишлари лозим. Бундай вазиятда таълим олувчилар нафақат танлов эркинлигига эга бўладилар, балки ўз танловлари учун масъулиятни ҳам ҳис қиладилар. Шунинг учун ҳам, инновацион ўқитиш методлари ва технологиялари асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи томонидан таълим мазмунига талабаларга сингдирилиши жараёнидаги савол жавоблар, уйга берилган вазифаларга педагогик муносабати талабаларнинг билимларни баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. (№1 ИЛОВА)

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид кўплаб тайёр билимлар ва методикаларни ўзлаштиришга эмас, балки мавжуд вариантлар орасидан мақбулини танлаш технологиясини ўргатиш масаласига жиддий ва ижодий ёндошув амалга оширилди. Бунда талабаларга баҳолаш тизимининг мураккаб жихатлари ва баҳолаш тизимида кўйилган талаблар ўргатилди Бунда :

Биринчиси, баҳолаш мақсадини белгилаб олиш;

- Шахсий натижалар (муносабатлар, қизиқишлар, мотивациялар);
- Фанлараро (метопрдмет) натижа (бир ёки бир неча мавзулар доирасида амалга оширилган ишлар) ;
- Мавзу натижалари (билим, кўникма, малака ва ижодий ишлар).

Иккинчиси, Шахсий натижалар, фанлараро (метопрдмет) натижалар ва мавзу натижаларига умумий ёндошув.

Учинчиси, натижалар асосида таълим тизимини такомиллаштириш имконияти.

Таълим натижаларининг баҳоланиш ўлчови:

Биринчи даража – ДТС талаблари доирасида назарий билимларни (дарсликлар)ни ўзлаштириши;

Иккинчи даража – касбий малакасини шакллантиришига (амалий ишларни) бажаришга қараб;

Учинчи даража – талабанинг ҳақиқий ижодий ютуқлари (бажарилган ишнинг ситфатли якуни)

Талабалар кўл меҳнатига оид билимини баҳолаш тартиби қуйидагича белгилаб олинди.

1. Ижодий ёндошилган иш баҳоланади.
2. Талаба ўз ижодий ишини тушунтириб беришига қараб баҳоланади.
3. Ҳар бир ишда қўйилган топширқлар мавжуд ва уларнинг бажарилиш ҳолати таҳлил қилинади.
4. Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний қиймат билан белгиланади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш бир неча босқичларда амалга оширилди.

Биринчи босқичда талабалар билан уларнинг педагогик баҳо ҳақидаги билимлари ва тасаввурларини аниқлаш мақсадида анкета сўровларини ташкил қилинди (9-илова). Шу билан бир қаторда бўлажак технологик таълим

ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилди.

Давра суҳбати жараёнида талабалар:

- педагогик баҳонинг мазмун – моҳиятини англаб олишди.
- Таълим жараёни натижалари нималарга боғлиқлигини таҳлил қила олиш малакаси шакллантирилди.
- таълим натижаларини назорат қилишда (талабаларнинг қўл меҳнати жараёни бошланиши, оралиқ ва натижа) жараённи босқичма – босқич ва яхлит тасаввур қилиш малакаси шакллантирилди.
- қўл меҳнатининг турлари ва ўзига хослиги аниқлаштирилиб борилди.
- меҳнат натижасидан завқланиш ва унга нисбатан ижодий ёндошув руҳияти такомиллаштирилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш учун олиб борилган семинарда:

- педагогик баҳо ва ўқув жараёни натижасининг бир – бирига боғлиқлиги аниқлаштирилди;
- педагогик баҳо мезонлари таҳлил қилинди;
- талабаларнинг қўл меҳнати билан боғлиқ бўлган ижодий ишлари ва унинг турлари борасида фикрлар алмашинди.
- талабалар қўл меҳнатини баҳолашга йўналтирилган мезонларнинг кун талабига жавоб бериш имконияти таҳлил қилинди.

Масалан.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Баҳо	Баллда ифодаланиши	Тавсифи
A	100 — 93	Аъло
A-	92 — 86	
B+	85 — 82	Яхши
B	81 — 77	
B-	76 — 71	
C+	70 — 67	Қониқарли
C	66 — 60	
C-	59 — 56	
D	55 — 50	Қониқарсиз
F	49 — 0	

(илова Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 6-2020-сон ва 4-сонли қарорига (рўйхат рақами 2780-3, 02.11.2020 й.) асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2020 й., 10/20/2780-3/1454-сон)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016й, 16-сон, 172-модда; 2017 й, 29-сон, 721-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2019 й, 10/19/2780-2/2522-сон; 02.11.2020.й, 10/20/2780-3/1454-сон)

- Талабаларда таълим натижаларини баҳолашга оид тасаввур ва кўникма шакллантирилди.

Иккинчи босқичда биринчи босқич натижаларига таянган ҳолда аниқ режалар ва дастурлар асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси такомиллаштирилди ва ундан таълим амалиётида фойдаланиш йўллари ҳақида назарий-амалий билимлар берилди. Бу босқичда талабалар:

Таълимнинг интерфаол методлари

Учинчи босқичда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид педагогик маҳорат шакллантирилди. Бунда :

- олинган билимлар мазмуни баёни;
- ўзлаштирилган билимларнинг кўникма шаклида амалиётда намаён бўлиши;
- билимларни автоматик тарзда амалиётда қўллай олиши;
- қўл меҳнати самарасини кўрсата олиши;
- олинган топшириқни ижодкорлик билан яқунлаши инобатга олиш маҳорати шакллантирилди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, педагогик баҳонинг таълим олувчилар учун шахсий аҳамиятини ошириш қуйидагиларда намаён бўлди:

- 1) таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва интилишларини тизимли тарзда ўрганиш ва ҳисобга олиш;
- 2) педагогларнинг ихтиёрида бўлган стимулларни таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда фаоллаштириш;
- 3) таълим олувчиларни қизиқтириш ва фаоллаштириш мақсадида педагогик баҳоларнинг кўпвариантлилигини таъминлаш;
- 4) педагогик баҳонинг таълим олувчилар ишонадиган, ҳисоблашадиган, кадрлайдиган кишилар томонидан тақдим этилишини таъминлаш.

Педагогик баҳо таълим олувчиларнинг жамоа орасидаги мавқеини ошириш билан бир қаторда ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш имконини ҳам берди. Шунингдек, ҳар бир жамоа аъзосининг гуруҳдошлари учун аҳамиятли, кадрли бўлган жиҳатларини аниқлашга кўмаклашди. Уларнинг

интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги, муайян касбга бўлган қизиқишларини аниқлаш имконини берди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиси томонидан қўл меҳнатининг бажариши ва таълим натижаларининг баҳолашнишига оид қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Меҳнатни ташкил қилиш 4 та босқични қамраб олди.

А) Ўқитувчи раҳбарлигида иш жойини танлаш

Б) Топшириқни таҳлил қилиш (намуна)

В) Ишни режалаштириш

Г) Иш сифатини назорат қилиш

2. Ижодий ёндошув ва қўлланиладиган технологик усуллар

А) Материалларни фарқлаш (табиий – ёғоч, тахта, бруслар. сунний – полиэтилен, органик шиша, полистирол, полимер....)

Б) Қисмларни бир –бирига боғлаш

В) Меҳнат қуролларидан тўғри фойдаланиш

Г) Топшириқни босқичма – босқич тўғри бажариш

3. Ўзининг шахсий ижод маҳсулини яратиш

А) Иш қуролларидан самарали фойдаланиш

Б) Баддий образни яратиш

В) Эстетик безак бериш

Ривожланиш босқичи линияси	Меҳнатни ташкил қилиш				Ижодий ёндошув ва қўлланиладиган технологик усуллар				Ўзининг шахсий ижод маҳсулини яратиш		
	Ўқитувчи раҳбарлигида иш жойини танлаш	Топшириқни таҳлил қилиш (намуна)	Ишни режалаштириш	Иш сифатини назорат қилиш	Материалларни фарқлаш(таббий, сунний)	Қисмларни бир –бирига боғлаш	Меҳнат куролларида тўғри фойдаланиш	Топшириқни босқичма – босқич тўғри бажариш	Иш куролларида самарали	Баддий образни яратиш	Эстетик безак бериш
Малака											
1-топшириқ	+	+	-, +	+	-	+	+	+	+	+	+
2 топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
3-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
4-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	-	+	+
5-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
6-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
7-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
8-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
9-топшириқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
10-топшириқ	-	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

2.2.1.-чизма.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиси томонидан қўл меҳнатининг бажариши ва таълим натижаларининг баҳолашниши

Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари таълим олувчиларнинг билим даражаси, кўникмалари, малакалари, эгаллаган компетенциялари, шахсий сифатлари, ўқув жараёнининг натижадорлигини баҳолашлари, шу орқали талаба-ёшларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш, касбга йўллаш, уларда илмий, касбий дунёқараш ва тафаккурни шакллантиришга оид билимлар ўзлаштирилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини педагогик баҳолашга ўргатишда илмий жиҳатдан:

Ўқитиш натижасини баҳолаш шкаласи ва мезонлари. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш ўлчови олиб борилаётган илмий тадқиқот ишга таалуқли бўлган “Технологик таълим (Ёғочларга қўлда ишлов бериш) “фан учун ва талабаларнинг қўл меҳнати натижасини баҳолашда қўлланилди. Талабанинг билим даражаси “қуйи”, “ўрта” ва “юқори” ёки, “сифатсиз”, “яхши” ва “сифатли” уловлари билан баҳоланади. Агарда талабада шаклланган билим тизимли билим, кўникма ва малакаларни намоиш этса у ҳолда талабага “аъло” ёки “юқори” баҳо берилди. Агарда талаба фундаменал бўлмаган баъзи ноаниқликларга йўл қўйса унда “яхши” ёки “ўрта” баҳо қўйилади. Қачонки тизимли бўлмаган билим намоён этилса, баъзилари бошқалари билан алмаштирилиб юборилса, у ҳолда “қуйи” ёки “сифатсиз” баҳо қўйилади. Агарда талабанинг билим ва кўникмалари тарқоқ, малакаси сайёз бўлса “қониқарсиз” ёки “яроқсиз” баҳо қўйилиши каби билимлар билан қуроллантирилиб борилди.

Ўқитиш натижасини баҳолаш шкаласи ва мезонлари

	Яроқсиз	Қуйи	Ўрта	Юқори
Билим (Билим Баҳолаш турлари) деган маънони англатади оғзаки ва ёзма сўровномалар ва назорат иши тестлар ва бошқалар	Билимнинг сайёзлиги, йўқлиги	Билимли тарқоқ	Умумий тизимли эмас	Билим тизимли, шаклланган
Кўникмалар (баҳолаш турлари манбалар: амалий бошқарув топшириқлар, ёзма ишлар, химоя, тестлар, ва бошқалар)	Кўник-манинг эгаллан-маганлиги	Муоффақиятли эмас	Умуман олганда муоффиқиятли, бироқ иш тизими бажарилмаган	Муоффақиятли тизимлашган билим
Малакалар (пухта эгаллаш, тажриба фаолият) (баҳолаш турлари) (манбалар: ижро, сифатли кўл меҳнати, амалиёт курси химояси ва бошқа)	Махорат-нинг йўқлиги	Айрим жихатларигина	Кўникма шаклланган, бироқ ички жихатда фаол эмас	Топшириқларни бажаришга оид малака шаклланган

2.2.2.- чизма. Ўқитиш натижасини баҳолаш шкаласи ва мезонлари

«Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш жараёнларида талабалар таълим натижаларини баҳолашда: (6 - иловада ижод намуналари берилган)

1. Ноанъанавий тарзда ўқитиш энг қулай усул эканлигини англади ва баҳолашда инсон омили аралашмади.
2. Мустақил фикрлашга йўналтирилган таълим ижодий тафаккурни шакллантирди.
3. Вақтдан самарали фойдаланиш орқали кўпроқ маълумотга эга бўлишди.
4. Ижодий тафаккурнинг ривожланиши янги маҳсулотларни яратишга йўл очиб берди.
5. Якка тартибда ишлаш осонлашганлиги боис, устоз – шогирд тизими яхши натижа берди.
6. Билиш жараёнлари фаоллашганлиги таълим сифатини оширди.
7. Мустақил таълим фаолияти жаддалашди.

Юқорида келтирилган ҳаракатлар бугунги кунда замон талабаларига жавоб берадиган технологик таълим ўқитувчиларини ўқув фаолияти натижаларини баҳолашга тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериш керак деган хулосага келинди:

- А. бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий билимларини эгалашга педагогик шароит яратиш;
- В. касбий муҳим фазилаталарни шакллантириш ва ривожлантириш;
- С. бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий билимларини эгалаш жараёнида таълим натижаларини баҳолаш методикасига оид билимлар билан қуроллантириш;
- Д. бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим натижаларини баҳолашда демократик ёндошувини шакллантириш;
- Е. бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим натижаларини баҳолаб боришга йўналтириш жараёнларида тескари алоқани ўрнатиш малакасини шакллантириб бориш кабилар.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим натижаларини баҳолашда талаба шахсиятининг қуйидаги хусусиятларига эътибор бериш орқали самарадорлика эришиш мумкинлиги белгилаб олинди.

Булар:

- талабаларнинг таълимга оид қизиқишларини доимий равишда ортириб бориш ва рағбатлантириб боришга эришиш;
- ўз устида ишлашга одатлантириш;
- илмий дунёқарашини такомиллаштириб бориш;
- ўзини бошқариш малакасини таркиб топтириш;
- касбий ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- таълим натижаларини илмий жихатдан таҳлил қила олиш малакасини шакллантириш кабилар инновацион таълим технологиялари орқали амалга оширилди.


Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим натижаларини баҳолашга ўргатишда дарс ишланмаси тарқатилди. (№ 8 ИЛОВА). Бунда талабалар дарс ишланмасининг мақсади ва вазифасини билиб олишди. Сўнгра талабаларга шу мавзу бўйича ўз билимларини баҳолашга қаратилган котанотест топшириш вазифаси юклатилди. Талабалар таълим жараёнини баҳолашда, айнан котанотест методидан фойдаланишда илмнинг ўрни нақадар муҳимлигини англади. Чунки, саволга аниқ ва тўғри жавоб бермагунча кейинги саволга ўтиш имконияти бўлмади. Унинг битта ечими бор у ҳам бўлса тўғри жавоб бериш. Бундай методлар орқали ишни ташкил қилиш талабаларнинг илмга оид дунёқарашини шакллантириди.

2.3. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш модули.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш бугунги кунда энг асосий талаблардан бири эканлигини инобатага олган ҳолда баҳолашнинг вақтини, унинг мазмунини, ўтказиш шакллари билишлари керак. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш модели учта блокда амалга оширилди.

Ундан кўзланган мақсад шундан иборатки, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини таълим натижаларига ўргатишда ДТС талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларида кўрсатилган ўқув юкламалари, фан намунавий дастурлари ва ишчи ўқув дастурларида қайд этилган мавзулар доирасидаги билимларнинг талабалар онгида акс эттирилган билимлар амалда қандай тасдиғини топаётганлигини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишдан иборат.

Кўйилган мақсадни амалга ошириш учун бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш бир тизимга келтирилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. У чизмада қуйидаги кўринишга келтирилди.



1-расм. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш компетентлигини шакллантириш модели

Энг аввало, тизимли ёндашув, тизимни ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларини ўз ичига олган мақсадли блокни аниқлаб олишни талаб қилади. Мақсадли блок бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг шахсий-касбий тайёргарликка эга мутахассисларнинг давлат ва жамият манфаатларини акс эттиради.

Моделда мақсад тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қуйидагича белгиланди: бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш. Педагогик жараён амалга оширишда шахсга йўналтирилган, компетентли, хомкорликда индивидуаллаштирилган методологик ёндашувлар қабул қилиниб, талабаларни ўқув натижаларини баҳолаш бўйича таълим мазмунини аниқлаш ва вазифаларни белгилаш ҳамда уни амалга оширишда адолатлилик ва холислик, очиклик ва шаффофлик, тизимлилик, яхлитлик, изчиллик, кўргазмалилик, умумийлик, хусусийлик тамойилларига асосланилди. Технологик таълим йўналишини хусусиятларидан келиб чиқиб - ҳисобга олиш, назорат қилиш ва баҳолаш каби асосий функциялардан иборат эканлиги аниқланди. Таълим жараёнини таркибий қисмлари, уни амалга ошириш бўйича адекват методлари, шакллар ва воситалари белгиланди. Шахсий-касбий сифатларига қўйиладиган малака талабларининг мазмуни педагогик туркум ва умумкасбий фанлар мазмунини такомиллаштириш, тажрибалардан хабардор қилиш ва педагогик ва ишлаб чиқариш технологик жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш билан такомиллаштирилди. Моделнинг натижавий блоки бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шаклланганлик натижалари кўрсаткичлари тўртта муҳим хусусиятлар (мотивацион-қадриятли, интеллектуал, амалий-фаолиятли ҳамда шахсий-тажриба (рефлексив)) мазмунини очиб беришга қаратилган мезонлар ҳамда баҳолашнинг юқори, ўрта ва паст даражаларни ўз ичига олади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг "Умумий педагогика" фанидан олган билимларини баҳолашнинг бали-рейтинг тизими

Таълим фаолияти тури ва назорат қилиш муддатлари	Соатлар сони семестр бўйича		Максимал миқдор семестр баллари		Эслатма
	2	3	2	3	
1. Маърузалар	36	14			
Оралик назорат			30	30	
2. Жорий назорат	48	18	40	40	
Кундалик ўқув юкларининг бажариш					
Якуний назорат			30	30	
5. Якуний баҳо			∑100	∑100	
5.1. "аъло"			86 -100	86 -100	
5.2. " Яхши "			71- 85	71- 85	
5.3. " Қониқарли "			56 - 70	56 – 70	
5.4. " Қониқарсиз"			≥ 55	≥ 55	

Лойиҳа ўқитувчи томонидан талабанинг жавоблари даражасига қараб белгиланади.

Шундай қилиб, "Умумий педагогика " фанидан якуний ижобий баҳо олиш учун талаба ҳар семестрда 56 дан 100 гача бўлган балларни тўплаши керак. Қуйидаги жадвалда рейтинг балларининг имтиҳон баҳоларига нисбати кўрсатилган.

Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари: Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий урта таълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (сохага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлишлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги 5112100 — Меҳнат таълими бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларида ўз аксини топган.

Технологик таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари

1. Касбий фаолиятнинг сохалари:

умумий ўрта таълим ва профессионал таълим муассасалари учун технологик таълим йўналиши бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш; оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошка давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Касбий фаолиятнинг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойихалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни;
- таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

Касбий фаолиятнинг турлари: Педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш фаолияти. Шу билан бир қат орда талабаларга: таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлаш, тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қушимча Технологик таълими олиш учун тайёрланиш имконияти мавжудлиги аниқлаштирилиб борилди.

Педагогик фаолиятида: таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш; яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш; таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг узаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш; таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг буш вақтини самарали ташкил этиш ва утказиш; талабаларнинг креатив салоҳиятини таълим тизими ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш; таълим менежменти бўйича билим ва қуникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш; таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши кераклигини билиб олишди.

Илмий-тадқиқот фаолиятида: илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш; интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йуналган ҳолда қидириш ва топиш; таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тупламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини урганиш; илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш; маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш; тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида: маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш; ўқувчиларда мафкуравий ва

ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши; глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг урни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш; маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича индивидуал суҳбат утказиш; миллий урф-одат ва маросимларни утказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда: педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш; фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш; бажараётган фаолияти буйича иш режасини тўзиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши кераклигини билиб олишди..

Иккинчи блок - Педагогик жараён ва уни амалга ошириш блоки деб номланиб унда қуйидагиларга эътибор қаратилди.

1. Шахсга йўналтирилган таълим турлари. Таълим жараёнининг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялаш йўлга қўйилади.

2. Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимдир. Шахсга йўналтирилган таълим, талабани таълим тизимига мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутди.

Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материални ўзлаштиришга ижодий, танқидий ёндошишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий турлари - ижодий топшириқлар; - креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар; - муаммоли вазиятлар; - ролли ва ишбилармонлик ўйинлари; - баҳс-мунозара, дебат; - мусобақа кўринишидаги беллашувлар. Асосий турлари Инновацион таълим ҳамкорлик таълими. Интерфаол таълим. Масофавий таълим. Муаммоли таълим.[77]

Компетентли - бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигининг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди.

1) мотивацион омил - ўқув ҳамда касбий ҳаракатларни эски карашлардан холи бўлган ҳолда амалга оширишга интилиш, ижодий кийинчиликларга тайёр бўлиш ҳамда бу борадаги ютуқларга, ижодий жараёнларга интилиш, топилган ечимлардан кониқиш ҳосил қилиш. Бунда етакчи мотивлар - ўзининг янги ечимларини топишга кизиқиш, ижодий фаолиятини ташкил этишга интилишдир.

2) интеллектуал омил - муаммоли таълим куникмаларини эгаллаганлиги (муаммони кура билиш, уни шакллантириш, муаммони ҳал этиш йулларини топиш ва хоказолар), фикрлашнинг креативлиги (ностандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобиляти), мослашувчанлиги ҳамда тизимлилиги, ижодий тасаввур, моделлаштириш, лойихалаш, башорат қилишга, янги ғояларни топишга мойиллик.

3) иродавий омил - изланиш давомида, моделлаштириш ҳамда ўқув ва касбий вазифаларни ҳал қилиш учун ўз фаолият йулини яратишда ирода сифатларини намоёниш қилиш.

4) хиссий омил - изланувчанлик, кашфиёт ва ихтироларни амалга оширишга хос хиссиётларнинг намоён бўлиши, ўқув ҳамда касбий фаолиятда креатив ечимларни топиш йўлида зийрак бўлиш.

5) амалий-предметли омил - атрофдагиларга гайриоддий бўлган хулқ эгаси бўлиш (янги ахборотлар ичида тез йўналиш топа олиш, ноанъанавий ечимлар излаш, фикрлаш, ҳаракат ва амалларнинг атрофдагилар учун кутилмаган йўналишда узгариши).

б) ўз-ўзини бошқариш омили - ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, уз фикрларини зарур йўналишда бошқара олиш, янги ечимлар, ғоялар топиш имконини берувчи манбаларга интилиш, ўз ижодий фаоллигини таъминлаш учун мустақил равишда шароит ярата олиш.[Технологик таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси.[131] Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 128 бет.]

Талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1) ўқув дастури асосида мавзу ва булимни урганишда талабаларнинг билим, қуникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир яқунланган мавзу буйича талабаларнинг фаолияти тўғрисида ҳулоса чиқариш;

3) талабаларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тавсиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш. Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.[131] Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 128 бет.]

3.Хамкорлик концепцияси «ўқитувчи-талаба» муносабатларидаги хамкорлик, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларининг биргаликдаги таҳлили, маънавий дунёда бир-бирига самимийлик, ўзаро бир-бирини мустаҳкам

тушуниш, катталар ва болаларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолияти ғояси.

Ҳамкорлик педагогикасининг тўртта асосий йўналиши мавжуд:

- шахсий-инсонпарвар ёндашув;
- дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф-муҳитни педагогизациялаш.

1. Шахсий-инсонпарвар ёндашув куйидагиларни ифодалайди:

- таълим беришнинг мақсади шахсга йўналтирилганликни;
- педагогик мулоқотни инсонпарварлаштириш ва

демократиялаш:

- талабада ишончни уйғотиш;
- ижобий рағбатлантиришнинг муҳимлиги;
- хато қилиш ҳуқуқи;
- шахсий қарашларга бўлган ҳуқуқ;
- бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияга амал қилиш;
- Ўқитувчи-талаба муносабатлари усули: тақиқлаш эмас, йўналтириш; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буйруқ бериш эмас, ташкиллаш-тириш; чегараламаслик, эркин танлашни йўлга қўйиш;

- замонавий шароитда натижаларга олиб келмайдиган тўғридан-тўғри мажбурлашдан метод сифатида воз кечиш:

- мажбурловсиз, ишончга асосланган талабчанлик;
- туғма қизикувчанликни ҳисобга олиб ўқитиш;

2. Дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа:

- таълим мазмунига шахс ривожланишининг мазмуни сифатида қаралиши;

- таълимнинг вариативлиги ва табақалашганлиги;
- ўргатишнинг ижобий рағбатларидан фойдаланилиш.

3. Тарбия концепцияси:

- билимлар мактабини тарбия мактабига алмаштириш;
- барча тарбиявий тизимлар марказида талаба шахсини қўйиш;
- тарбияга инсонпарвар ёндашув, умуминсоний кадриятларни шакллантириш;
- миллий ва маданий анъаналарни тиклаш;

4. Атроф-мухитни педагогизациялаш.

Оила, мактаб ва ижтимоий борлик .Ўсиб келаётган авлодни шакллантирувчи муҳим ижтимоий институтлар сифатида ақс этади. [138]

Индивидуаллаштирилган таълим – шахсга йўналтирилган таълим бўлиб, унда ҳар бир ўқувчи (таълим олувчи) ўқув жараёнида фаол иштирок этиши, ўқув-билув жараёнига шахсий ҳисса қўшиши ва таълим жараёнида ўқитувчининг услубий ёндашуви: ўқув-методик, психологик, педагогик-ташкилий бошқарув ишларини олиб боришда ўқувчи шахси ўқув-билув марказида бўлган жараёнда ўқувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниш жараёни асос бўлади. [139] «Fan va texnologiya» нашриёти. 2009 йил.642 бет]

Ўқув жараёни натижаларини баҳолашда асосланадиган тамойиллар:

1. Объективлик ва ҳолислик. Назоратнинг объективлиги талабаларнинг ҳақиқий академик кўрсаткичларини бузадиган ва назоратнинг тарбиявий аҳамиятини пасайтирадиган субъектив ва нотўғри қарорлар чиқаришнинг олдини олади.

Баҳолашнинг объективлиги. Баҳолаш ўқувчиларнинг назорат қилиш усуллари ва воситаларидан, ўқитувчининг шахсий фазилатларидан қатъий назар, билим ва кўникмаларининг ҳажми ва сифатини тавсифлаши керак.

Билимни баҳолашга ўқитувчининг ҳамдардлиги ёки антипатияси, ўқувчиларнинг ҳулқ-атвори ва соғлиғи хусусиятлари таъсир қилмаслиги керак. Ягона меъёрлари ва баҳолаш мезонлариги риоя қилиш керак.

2. Очиқлик ва шаффофлик – талбаларнинг билим ва кўникмаларини иқтидорини доимий равишда аудиторияда очиқ ҳолисона ва шаффоф тарзда баҳолашга қаратилган.

3. Тизимлилик – талабаларнинг билимини баҳолашда доимий равишда ДТС талаблари, ўқув режаларида кўрсатилган юктамаларнинг бажарилиши, ўқув дастурлари асосида фанларни ўзлаштириб бориши таҳлил қилинади баҳоланади.

4. Яхлитлик тамоилига асосан талабаларнинг билимлари Он ва Ян ларда яхлит ҳолда баҳоланади.

5. Изчиллик - бўлажак Технологик таълими ўқитувчиларини изчиллик тамоили асосида баҳолашда ҳар – бир мавзунини ўзлаштириб бориши натижасига риоя қилиши инобатга олинади.

6. Кўргазмалилик тамоили асосида баҳолаб боришда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари томонидан тайёрланган қўл меҳнати натижалари ва унда фойдаланилган меҳнат воситаларидан қай даражада тўғри фойдаланганлигини кўрсатилиб борилиши асосида баҳоланиб борилади.

7. Умумийлик тамоили асосида қўл меҳнати гуруҳ томонидан бажарилганлигига умумий баҳо берилади.

8. Хусусийлик тамоили асосида баҳолашда ижод намуналарининг ўзига хослиги , назарий билимларини намоиш қилишдаги ноанъанавий жавоб ва келтирилган мисоллар инобатга олинади.

Шахсий-касбий сифатларига қўйиладиган малака талабаларининг таркибий қисмлари

Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.С.Шарипов томонидан ҳар бир инсоннинг касбий фаолияти талаблари ва жамият тан олган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этадиган шахс сифатларининг қиёсий нисбати ишлаб чиқилган. Шу талабалардан тўлақонли ижодий фойдаланилди. [152-153]

Касбий сифатлар: касбий фаоллик, ташкилотчилик, ҳаётини одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш, мустақил фикрга эга бўлиш, ўзига ишонч. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, онглилик, юрт олдидаги, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи ва мажбурият, ижтимоий билим, зиёлилик, муомала маданияти, ширинсуханлик, адолатпарварлик, виждонли бўлиш,

эътиборлилик, топқирлик, ҳозиржавоблик, камтарлик, меҳнатсеварлик, ўз камчилигини англай билиш, тартиблилик, мустақил изланиш.

Касбий сифатлар: касбий фаоллик, ташкилотчилик, касбий одоб-ахлоқ, этикет, касбий эркинлик, толерантлик, касбий бурч, масъулият, тартиблилик, кузатувчанлик, касбий билим, муомила маданияти, нутқ маданияти, тўғрилик, виждонлилик, ходимларга нисбатан эътибор, ташаббускорлик, ишчанлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, ўз хато ва камчиликларини кўра билиш, интизомлилик, ижодкорлик [152-153]

Педагогик туркум ва умумкасбий фанларни мазмунини такомиллаштириш. Умумкасбий фанларга 3298 минг соат миқдорида ўқув юкламалари ажратилган. Шундан Умумий психологияга 246 соат, Умумий педагогика 268 соат. Касб-хунарга йуналтириш 162 соат. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси 212 соат. Техник механика 244 соат. Гидравлика. Иссиқлик техникаси 118 соат. Электротехника, радиотехника ва электроника 200 соат. Технология таълими практикуми 552 соат. Стандартлаш, сертификация ва метрология 140 соат. Материалшунослик ва конструкцион материаллар 146 соат. Материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва станоклар 140 соат. Механизациялаш, автоматлаштириш ва робототехника 166 соат. Техник ижодкорлик ва дизайн 302 соат. Бўлажак технология фани ўқитувчиларига юқорида қайд этилган фанлардан ўқитувчилар жорий назоратни, оралик назоратни ҳамда якуний назоратларни қандай баҳолаб бораётганлиги, унинг методикаси, мезонларини ўрганиб бориш топшириғи қўйилди ва назорати олиб борилди.

Тажрибалардан хабардор қилиш. Бўлажак технологоик таълим ўқитувчиларини таълим натижаларини баҳолашга оид янгиликлардан доимий равишда хабардор қилиб борилди. Баҳолаш методикалари билан таништирилди.

Педагогик ва ишлаб чиқариш технологик жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолашга ўргатиш. Бу жараёнда талабаларни устахоналарда меҳнат қуролларидан фойдаланиш методикаси билан

таништириб борилди. Ҳар бир меҳнат қуролини мисол учун ёғочни текислашга мўлжалланган рандаларнинг турлари ва улар билан ишлаш методикаси ўргатилиб борилди. Эгалланган билимлар, кўникма ва малакаларга қараб қандай баҳолаш керакли тушунтириб борилди.

Таълим жараёнини таркибий қисмлари: Талабаларни таълим натижаларини баҳолашга ўргатиб боришда қуйидаги таълим методларидан фойдаланилди. Булар: Оғзаки, ёзма мулоқот қилиш, амалий кузатиш, амалий лаборатория, график, конструкторлик технологик, дастурлаштирилган, партфолио, интеллектуал харита ва бошқалар. Талабалар билимини баҳолаш ва таълим натижаларини баҳолашга ўргатиб бориш аудитория ва аудиториядан ташқари, гуруҳли ва индивидуал шаклларда амалга оширилди. Таълим жараёнинг таркибий қисми сифатида анъанавий, ахборотлаштирилган алгоритмлик восита қўлланилди.

Учинчи Блок – бу натижа блоки. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шаклландирилган натижаларини кўрсаткич ва мезонлари ҳамда баҳолаш даражалари: Мотивацион-қадриятли – талабаларнинг таълим жараёнида ўқиш мотивларини ҳисобга олади.

Даража	Касбий фаолиятга бўлган эҳтиёжини англаш.	Касбий билим, кўникма ва фазилатларнинг шаклланиши	Касбий фаолиятга қизиқиши, майиллиги	Баллар
Юқори	Доимий равишда дарсга қатнашади	Доимий равишда ўз устида ишлайди	Доимий равишда қизиқиши юқори	3
Ўрта	Дарсни қолдириб туради	Ўз устида ишлашда сусткашлик бор	Касбий фаолиятга қизиқиши, майиллиги ўрта ҳол	2
Паст	Дарсга қатнашмайди	Ўз устида ишламайди	Касбий фаолиятга қизиқиши, майиллиги йўқ	0

Таълим натижаларини баҳолашни билиш

Талабанинг билиш даражаси номери	Талабанинг билимини баҳолаш даражаси	Талабанинг билимини баҳолаш даражасининг тавсифи
1	Тушуниш	Талабанинг маълум бир фаолият тури бўйича билим ва тажрибанинг етишмаслиги.
2	Билиш	Талаб фаолиятни кимнингдир ёрдамига таяниб бажариши (репродуктив фаолият)
3	Айтиб бериш	Талаба мустақил равишда олдин кўриб чиқилган типик фазиятлардан хулоса чиқариб репродуктив фаолиятни амалга оширади.
4	Қўллаш	Талаба эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни ностандарт вазиятларда ишлата олиш қобилияти продуктив фаолиятдан дарак беради.;
5	Ижодий ёндошув	Талаба кутилмаган вазиятдан чиқиб кетиши учун ижодий ёндошиб, янги қоидалар ҳаракатлар алгоритмларини яратади.

Талабалар билимини баҳолашга амалий-фаолиятли ёндошув. Назарий билимларни эгаллаганлиги, амалий машғулотлардаги билими, семинардаги билими, уй топшириқларини бажариши, мустақил таълимни бажариши, реферат, презентация, ахборот технологияларидан фойдаланиш кабилар.

Шахсий тажриба (рефлексив) - ўз ҳаракатларин бошқариш қобилияти, ўз ҳаракатларини назорат қилиш, фикрларининг мантиқий ривожланиши, аниқликда ноаниқликни, ғайриоддийликда оддийликни кўра олиш қобилияти, вазиятни таҳлил қилишга диалектив ёндошув, ҳар хил кузатувчилар позициясини билиш ва эгаллаш.

Баҳолаш даражалари юқори, ўрта, паст каби даражалар билан баҳоланиб борилиши тушунтирилди ва бунга оид малакалар шакллантирилди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Бугунги кунда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишда инновацион таълим методлари, шакллари ва воситаларининг ўрнининг ёритиш зарурияти муҳимлиги билан ажралиб турибди. Шунининг оқибатида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим методлари, шакллари ва воситаларига оид маълумотлар берилди. Бунда талабаларга таълим методлари, шакллари ва воситаларига оид маълумотлар билан қуроллантирилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш бир неча босқичларда амалга оширилди.

Биринчи босқичда талабалар билан уларнинг педагогик баҳо ҳақидаги билимлари ва тасаввурларини аниқлаш мақсадида анкета сўровларини ташкил қилинди

Иккинчи босқичда биринчи босқич натижаларига таянган ҳолда аниқ режалар ва дастурлар асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси такомиллаштирилди ва ундан таълим амалиётида фойдаланиш йўллари ҳақида назарий-амалий билимлар берилди.

Учинчи босқичда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид педагогик маҳорат шакллантирилди.

«Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш жараёнларида талабалар таълим натижаларини баҳолашда:

ноанъанавий тарзда ўқитиш энг қулай усул эканлигини англади ва баҳолашда инсон омили аралашмади.

Мустиқ фикрлашга йўналтирилган таълим ижодий тафаккурни шакллантирди.

Вақтдан самарали фойдаланиш орқали кўпроқ маълумотга эга бўлишди.

III БОБ. БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Ўқитувчи ва талабаларнинг олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг янги натижаларини баҳолашга тайёрлигини ўрганиш натижалари

Илмий манбалар ва ўқув амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўқув жараёнидаги ҳар қандай янгиликнинг муваффақияти, авваламбор, педагогик жараённинг асосий субъектлари – ўқитувчилар ва талабаларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Шу муносабат билан олий таълим муассасасида ўқув жараёнининг янги натижаларини баҳолаш механизмларини лойиҳалашнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш жараёнида янги ўқув шароитида талабаларнинг билиш позициясининг динамикасини, уларнинг билиш фаолияти натижаларини баҳолашдан қониқиш даражасини аниқлаш жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг янги натижаларини баҳолаш тартибига замонавий ёндашиш учун ўқитувчилар ва талабалар томонидан ушбу фаолиятга маълум даражада тайёрлик талаб этилади. Шу сабабли биз ўқитувчиларнинг ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг мавжуд тизими ҳамда ўқитувчилар ва талабаларнинг позициялари бир-бирига қандай мос келиши ҳақидаги фикр билан қизиқдик. Бундан ташқари, бизнинг олий таълим муассасамиздаги вазият бошқа олий таълим муассасасиларидаги ҳамкасбларимизнинг фикрлари билан қандай мос келишини тушуниш ҳам биз учун муҳим бўлиб ҳисобланди. Тадқиқот давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах политехника институти ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти технологик таълимий ўналишларида дарс бераётган турли кафедра ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг шакллари ва технологиялари муаммолари бўйича фикрлари, шунингдек уларнинг ДТС ни

янгилаш билан боғлиқ баҳолаш механизмлари ва процедураларга муносабати ўрганилди.

Сўровда юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларидан жами 103 профессор ўқитувчи иштирок этди. Тадқиқот технологик таълимийўналишларида олиб борилди. Деярли барча ўқитувчилар ДТС таркиби билан яхши танишлигини таъкидлашган.

Сўров натижалари параметрик бўлмаган корреляцион таҳлил орқали қайта ишланди. Бу олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг замонавий воситаларидан қай даражада фойдаланиши тўғрисида баҳо олишга имкон берди.

Биз ўқитувчиларнинг анкета саволларига берган жавобларининг валидлик даражасини баҳоладик. Корреляцион таҳлил ўқитувчиларнинг бир-бирларидан қай даражада фарқ қилишини ва ўқитилаётган фанларнинг ёш ва турларига қараб тақсимланиши сўров натижаларига қандай таъсир қилишини кўрсатади. *Иш стаж* ҳам аҳамиятлилик (0,832), ҳам сўров натижаларига (0.734) таъсир қилиш нуқтаи назаридан максимал боғлиқликка эга. Ундан кейинги ўринларни эса лавозим - (0.622) ва *ўқитиладиган фанлар* - (0,520) лар ташкил этди.

Асосий респондентлар *доцент* (47%) ва *ассистент* (27%) лавозимларига эга бўлган ўқитувчилар эди, шунинг учун ҳам сўров натижаларига бошқа тоифадаги ходимларнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб ҳисобланади. Анкета сўрови шуни кўрсатдики, эгаллаб турган лавозим даражасининг кўтарилиши респондентларнинг жавоблари сифатига ижобий таъсир қилади ва ўз касбий фаолиятида компетентли ёндашувдан фойдаланишга тайёр эканликларини кўрсатади.

Олий таълим муассасалари ўқитувчилари педагогик маҳоратининг аниқланган хусусиятлари компетентли ёндашувни амалга оширишга психологик ва услубий тайёргарликда муаммолар ва хатарлар мавжудлигини кўрсатади. Бу ўқитувчиларнинг психологик ва педагогик билимларининг эскирганлиги, тизимли-фаолиятли ёндошув нуқтаи назаридан

талабаларнингбилиш фаоллигини фаоллаштиришни таъминлайдиган компетенцияларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ.

Ўқитувчиларнинг саволларга берган жавобларига асосланиб, биз натижаларни лавозимлар, иш стажи ва ўқитиладиган фанлар бўйича *умумлаштирдик*. Ўқиш натижаларини баҳолашда тестларнинг самарадорлиги бўйича рейтинг натижаларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, сўровда қатнашган кўпчилик ўқитувчилар талабалар билимини назорат қилиш ва улардан ўз касбий фаолиятларида фаол фойдаланиш воситаси сифатида тест топшириқлари тўғрисида етарлича билимга эга эканликларини кўрсатдилар.

Ўқитувчиларнинг балл-рейтинг тизими бўйича саволларга берган жавоблари натижалари қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради. Ўқитувчилар балл-рейтинг тизимининг асосий *афзалликлари* қуйидагилардан иборат ҳисоблайдилар:

1) фан бўйича билимларни ўзлаштириш сифатини баҳолашнинг объективлигини ошириш – 82%;

2) талабаларнинг дарсларни мунтазам равишда тайёрлашга бўлган қизиқишини шакллантириш – 80%;

3) талабаларнинг ўқиш натижалари учун жавобгарлигини ошириш – 82%;

4) фан доирасида ўқув фаолияти турларини тизимлаштириш – 80%.

Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятда портфолиодан фойдаланишга бўлган муносабатини таҳлил қилганда, иштирокчиларнинг 71% и талабаларнинг ўқув ва ижтимоий ютуқларини баҳолашда портфолиодан фойдаланишнинг педагогик самарадорлигини таъкидлашган ва уларнинг 57% портфолио талабаларнинг шахсий ва касбий ўсишини баҳолашга ёрдам беради деб ҳисоблашган.

Сўров натижалари бўйича ўқитувчиларнинг олий таълим Давлат таълим стандартлари мазмуни ва уни амалга ошириш технологиялари билан таниш эканлик натижалари таҳлили эса кўплаб ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шакллари ва унинг натижаларини баҳолаш технологияларига содиқлигини кўрсатди. Ушбу маълумотлар олий таълим

муассасасидаги ўқув жараёнини янгилашда назарий методик таъминотини концептуаллаштириш ва экспериментал ишларни олиб учун асос бўлиб хизмат қилди.

Олий таълим муассасаси ўқув жараёнининг янги натижаларини баҳолаш механизмини лойиҳалашни назарий жиҳатдан асослашни таҳрирлаш учун ўқитувчилар ва талабаларнинг фикрлари ҳамда муносабатларини замонавий ўқув жараёнининг турли шакллари ва технологиялари ҳамда унинг натижаларини баҳолаш механизмлари билан таққослаш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, сўровда қайд этилган олий таълим муассасаларидан 321 та талаба иштирок этди. Анкетада 20 та савол мавжуд бўлиб, талабаларнинг бу саволларга берган жавоблари маълум даражада ишонч билан талабани олий таълим муассасасига етаклаган мотивларни, унинг ўқув жараёнидан кутаётган натижаларини ва бу тахминлар таълимий реалликага қандай мос келишини аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, биз талабаларнинг билиш фаолияти натижаларини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашнинг турли шакллари ва усулларига бўлган муносабатини ҳамда ушбу баҳолаш механизмларининг талабаларнинг академик муваффақиятларига, уларнинг шахсий ва касбий ўсишига таъсир қилиш даражасини аниқладик.

Анкета сўровидаги биринчи саволга берган жавобларда талабаларининг 45% болалар билан ишлаш истагини, 25% и эса олий таълим муассасаларида маълум бир илмий фанга қизиқишини, 3% ўрта махсус маълумотга эгаллигини ва юқори даражадаги мутахассис бўлишга қарор қилганлигини таъкилаганлар. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўровда иштирок этган талабаларнинг аксарияти ўқув муассасасини танлашни болалар билан ишлаш истаги борлиги ва маълум бир фанга қизиқиши билан изоҳлашган.

Иккинчи саволга жавоб шуни кўрсатдики, талабаларнинг 80% дан ортиғи олий таълим муассасидан ўқишнинг қизиқарли ва фаол шакллари ҳамда усулларини, касбий мартаба бошланишини, ижтимоий фаол талабалик ҳаётини кутаётганлигини таъкидлашган. Талабаларнинг 58% уларнинг умидлари тўлиқ

бажарилган деб ҳисоблашади, яна 27% асосан олий таълим муассасаси ўқув муҳитидаги мавқеидан қониқишади, талабаларнинг 10% талабалик ҳаётининг индивидуал қисмларидан қониқмайди (кимнингдир ҳамкурслари билан, кимнингдир ўқитувчилар билан алоқаси шаклланмаган, баъзилари ўқув жараёнини ташкил этишдан қониқишмайди, яъни ноқулай дарс жадвали ва бошқалар). 5% талабалар эса уларнинг кутаётганлари ҳақиқатга тўғри келмаётганлигини таъкидлашганган, аммо нима учун шундайлигини асосламаган.

“Сиз олий таълим муассасаси ўқув жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?” деган саволга 80% дан кўпроғи мустақил ишларни ташкил этишда ташкилий томондан (топшириқларни бажаришдаги қийинчиликлар – 22%, адабиёт ва бошқа маълумот манбаларини излашда – 21%) қийинчиликлар мавжудлигини қайд этишган. Бундан ташқари, талабалар мулоқотда, ўз позицияларини баён этишда қийинчиликлар мавжудлигини таъкидлашган, бу эса ўз навбатида талабаларда коммуникатив компетенция ва танқидий фикрлашнинг етарли даражада шаклланмаганлигидан далолат беради [1].

Аксарият талабалар ўрта мактаб талабаси ва олий таълим муассасаси талабасининг билиш позициясидаги фарқларни тушунишади ва талабани янада фаол ва мустақил деб ҳисоблайдилар. Бироқ, олий таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари аҳамиятини баҳолашда, улар авваллари олий таълим муассасасида янги ва қизиқарли бўлган барча нарсаларга қизиқиш билдирганликларига қарамай, мактабда одатланган анъанавий ташкилий шаклларига устунлик беришган. Талабаларнинг 20% гина олий таълим муассасасида илмий тўғараклар, муаммоли гуруҳлар, ижодий топшириқларни мустақил бажариш ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни олий таълим муассасасидаги билиш фаолиятнинг энг самарали ва қизиқарли шакллари деб ҳисоблаганлар.

Талабалар асосан ўқитувчининг замонавий олий таълим муассасаси ҳаётидаги ўрни ва унинг талабалар билан ўзаро муносабати моҳиятини тўғри тушунишлари қувонарли ҳол. Шундай қилиб, респондентларнинг 28%

ўқитувчи талабалар билан фаол алоқада бўлиб, мустақил равишда маълумот излашда уларга ҳамроҳ бўлиши керак, деб ҳисоблашади; 18% и эса ўқитувчини талабаларнинг мустақил билиш фаолияти жараёнининг ташкилотчиси ва маслаҳатчиси бўлиши кераклигини; 19% и эса ўқитувчилар талабаларнинг индивидуал имкониятлари ва шахсий қизиқишларини ҳисобга олишлари, 11% талабалар эса ўқитувчи улар учун билиш маълумотларнинг асосий манбаи бўлиши керак деб ҳисоблашади.

Талабаларнинг мустақил ишларининг замонавий олий таълим муассасасининг ўқув жараёнидаги ўрни ва ролини англаган ҳолда, респондентлар ўзлари учун энг қизиқарли ва самарали топшириқлар деб қуйидагиларни ҳисоблайдилар: лойиҳаларни амалга ошириш – 23%; тажриба синов ишларда қатнашиш (мактабда, ўқув лабораториясида ва бошқалар) – 19%; ижодий топшириқларни бажариш (иншолар, аннотациялар, шарҳлар, топшириқлар тузиш, педагогик вазиятни таҳлил қилиш ва бошқалар) – 14%. Респондентларнинг атиги 11% олий таълим муассасалари кутубхоналарининг веб-сайтларида жойлаштирилган электрон ресурсларидан фойдаланишларини, 13% илмий ва оммабоп илмий журналлар ва Интернетдаги бошқа нашрларнинг электрон вариантларини ўқиганликларини таъкидлашган.

Талабалар, ўқитувчилар сингари, ўқув жараёнига компетентли ёндашувнинг киритилишини ижобий баҳолайдилар ва умуман унинг маъносини тушунадилар. Буни қуйидаги топшириқни бажарганликлари ҳам тасдиқлайди: “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ олий таълим муассасасидаги асосий ўқув дастурини ўзлаштириш натижаларини баҳолаш предмети бўлиб компетенция ҳисобланади; 5 балли шкала бўйича компетенция таркибида унинг қуйидаги таркибий қисмларнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини баҳоланг. “Ўқув жараёни натижаси сифатида талабалар компетенциянинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагиларга ажратдилар: талабанинг касб ва ҳаётдаги йўналиши – 4,3; шахсий позициянинг мавжудлиги – 4,3; муаммони ҳал қилиш учун ўрганилган илмий билимларни аниқ вазиятда амалда қўллаш қобилияти – 4,2; амалиётда ҳаракат қилиш

қобилияти – 4,2; талабаларнинг таклиф қилинган вазият таҳлилини тушуниши – 4,1; билим – 4,1.

Кўпчилик респондент-талабаларнинг фикрига кўра, мавжуд ўқув жараёни натижаларини баҳолашнинг мавжуд тизими талабаларнинг академик муваффақияти тўғрисида объектив маълумот олишга имкон беради. Улар билимларни назорат қилишнинг анъанавий шакллари (тест, имтиҳон) билан ижобий боғлиқ, аммо шу билан бирга, семинар ва амалий машғулотлардаги жорий баҳолашнинг илмий ютуқлари ва шахсий ўсишини энг объектив баҳолайдиган аҳамияти катта. Ўқув ютуғларига қуйидагилар киради: билим даражаси (21%), илмий-тадқиқот ишидаги ютуқлар (19%), ижодий тадбирлар, ўқув танловлари, фан олимпиадалари ва бошқалардаги иштироки (17%), касбий фаолиятдаги қобилиятларнинг намоён бўлиши. ишлаб чиқариш амалиёти (16%), ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш (11%).

Сўровда қатнашган талабаларнинг 66 % да ўз-ўзини баҳолаш натижалари жорий, оралиқ ва якуний назоратлардаги жавоблари ва синоа дақтарчасидаги баҳоларга мос келади. Талабалар олий таълим муассаси ўқув жараёнида компетентли ёндашувни амалга оширишда умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантиришда ўзини ўзи баҳолаш ва ҳамкорликда баҳолашнинг ролини ошириш учун муҳим деб билишади. Ўқитувчилар ҳам, таҳлим олувчилар талабаларни ўзини ўзи баҳолаш ва ҳамкорликда баҳолашга ўргатишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш муҳимлигини таъкидлашади: интерфаол технологиялар (мунозаралар, баҳс-мунозаралар, ўқув конференциялари, кейслар таҳлили, ишбилармонлик ўйинлари); педагогик амалиёт натижалари бўйича педагогик маҳорат танловларида шахсий ва касбий сифатлар ранжирокаси; талабаларнинг ўқув, билиш, дизайн ва илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш (иншолар, ижтимоий-педагогик лойиҳалар, илмий маърузалар ва тақдимотлар), рецензиялар ва бошқалар. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаш ва ҳамкорликда баҳолаш фаолиятига жалб этиш талабаларни ривожланишнинг ижобий

натижаларини, шунингдек, билиш ва келажакдаги касбий фаолиятидаги муаммолар, хатарлар ва қийинчиликларни аниқлашни ўргатишга имкон беради. Айнан шу нарса, олий таълим натижаларини ўқув жараёнини бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва талабаларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи сифатларини белгиловчи ахборотли жараёни сифатида баҳолашда мазмун ташкил этувчи дискурсни келтириб чиқаради.

Ўқитувчи ва талабаларнинг тизимли фаолиятли ва компетентли ёндашувларни амалга ошириш контекстида ишлашга тайёрлик даражаси ва муносабатини ўрганиш олий таълим муассасасида ўқув жараёни натижаларини педагогик баҳолаш тартибини ҳамда янги таълим натижаларни баҳолаш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий методологик таъминотини асослаш учун муҳим маълумотларни тақдим этади.

Буларнинг барчаси, турли хил баҳолаш технологияларини қўллаш алгоритминини асослаш ва ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаси ўқув жараёнининг янги натижаларини самарали ва объектив баҳолаш принциплари, қоидалари, шартлари, технологиялари, шунингдек турли хил шакллари учун назорат ва ўлчаш материалларини лойиҳалаш ва экспериментал текширишни асослаб берадиган кейинги тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаштиришга имкон берди. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг замонавий педагогик баҳолаш механизмларини амалга оширишга тайёрлик даражасини ўрганиш замонавий олий таълим муассасасининг ўқув жараёнига уларнинг турли шакллари ва турларини жорий этиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

3.2-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши

Таълим мазмунини модернизациялаш соҳасидаги ишлар бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини эгаллашлари учун нихоятда зарур ҳисобланади. Шунга кўра бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва объектив баҳолашга оид билим, кўникма ва малакаларини касбий компетенциянинг муҳим таркибий қисми сифатида шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш талабаларнинг ушбу йўналишда олган билимларини синовдан ўтказиш ўзига хос педагогик аҳамиятга эга. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ҳамда ўқув жараёнининг боришини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган инновацион методлар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Улар ўқув-тарбия тизимини такомиллаштириш соҳасидаги изланишларнинг маҳсулидир. Шу билан бир қаторда ўқув жараёни натижаларини баҳолаш усуллари ва методлари илғор ўқитувчилар ва изланишларнинг натижаси сифатида ҳам вужудга келади. Баҳолаш усуллари ва методларининг такомиллашуви мазкур усул ва методларни қўллашга бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашни тақозо қилади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини баҳолаш фаолиятига ўргатадиган турли-туман усуллар, методлар ва технологиялар асосан профессор-ўқитувчилар томонидан қўлланилади. Профессор-ўқитувчилар ўзларининг касбий маҳоратларига таянган ҳолда баҳолаш методларини қўллайдилар. Баҳолашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараёнларда профессор-ўқитувчилар дидактик вазиятларни ташкил этувчи асосий субъект сифатида намоён бўладилар. Бу эса бўлажак технологик таълим ўқитувчиларидан баҳолашга оид махсус педагогик-психологик ва касбий тайёргарликка эга бўлишни талаб қилади. Чунки,

бўлажак ўқитувчи ўзининг истиқболдаги касбий фаолияти жараёнида нафақат ўз фанига оид билимларни, балки педагогик, психологик билимларни ҳам қўллаб, ўқув жараёни натижаларини назорат қилади ва баҳолайди. Бунинг учун улар ташхислаш, назорат қилиш методикаларига мурожаат қиладилар. Худди мана шу тарзда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид касбий кўникмалари шакллантирилади.

Ўқитувчи томонидан қўлланиладиган назорат ва баҳолаш методлари таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини объектив баҳолашимконини беради. Шу асосда ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни, шакллари, усул ва методларининг самарадорлик жаражаси ўрганилиб мавжуд бўшлиқларга тузатишлар киритиш имконияти вужудга келади. Бунда таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги фаолияти ўзига хос аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган изланишларда педагогик жараён натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид бир қатор ёндашувлар баён этилган. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашга йўналтирилган педагогик жараёнларда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим:

1. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашга оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
2. Баҳолашга оид педагогик, психологик ёндашувларни ўзлаштириш ва ўз фаолиятида қўллаш.

Шунинг учун ҳам профессор-ўқитувчилар ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид назарий-амалий ёндашувларни талабаларга етказиш устида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари ҳамда методларидан ўз ўрнида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳам талаб этилади. Бу ўз навбатида, педагогик билимларни ўзлаштириш ва қўллашнинг онгли тарзда амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Чунки, ўқитувчи таълим муассасасида

Ўз фаолиятини бошлар экан, назорат ва баҳолаш жараёнларининг ташкилотчилари, тадқиқ этувчиси, фойдаланувчиси, тарғиботчиси сифатида намоён бўлиши лозим. Мазкур жараёни самарали ташкил этиш касбдошлари тажрибасидан фойдаланиш ёки фанда яратилган янги усуллар, методларни танлаш, баҳолаш ва қўллаш орқали амалга оширилади.

Ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид педагогик фаолиятнинг самарали кечиши ёш ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларни ўқув-тарбия жараёни амалиётида қўллашлари, уни яратишлари, ўзлаштиришлари ва улардан фойдаланишларини тақозо қилади. Бу эса таълим муассасаларида янгича педагогик муҳитни яратишга хизмат қилади.

Баҳолашга оид педагогик фаолиятни самарали амалга ошириш орқали педагогик жараёнда бир қатор қулайликлар вужудга келтирилади. Бу эса таълим олувчиларни комплекс ривожлантиришга шароит яратади.

Илғор педагогик тажрибалар ва таълим назариясига оид ютуқларни амалиётга жорий этиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ўқитувчининг муайян педагогик фаолиятига жорий этишга лойиқ кўплаб тажрибалар вужудга келмоқда ва тўпланмоқда. Бироқ кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб ўқитувчилар ва бўлажак педагогларда амалиётда мавжуд бўлган тажрибаларни ўзлаштириш эҳтиёжи шаклланмаган. Мазкур тажрибаларни танлаш ва таҳлил қилиш кўникма ва малакалари ҳам етарлича таркиб топмаган. Амалий фаолият жараёнида ўқитувчилар ўзларининг шахсий тажрибалари ва касбдошларининг фаолиятларини таҳлил қилишга етарлича эътибор қаратмайдилар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, баҳолашга оид педагогик тажрибалар мунтазам бойиб, янги элементларга эга бўлмоқда. Мазкур элементлар ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаб, педагогикага оид янги ёндашувларни вужудга келтиради. Баҳолашга оид илғор тажрибаларни ўрганиш, қўллаш ва ҳамкасблари орасида оммалаштиришда ўқитувчининг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам муайян усул ва методларни амалиётда қўллаш ва кенг оммалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга

олиш керак. Ўзаро тажриба алмашиш ва уларни ўзлаштириш жараёнида янги усуллар, методларнинг самарадорлик даражасига эътибор қаратилади. Ҳар бир ўқитувчидан янги усул ва методларни қўллашда унинг маҳсулдорлигига эътибор қаратиши талаб этилади. Илғор педагогик тажрибалар кенг қўлланилиши учун ўқитувчи педагогик-психологик ёндашувлардан хабардор бўлиши лозим.

Педагогик тажрибаларнинг ранг-баранглигини новаторлик ҳамда ўқув жараёнини назорат қилишга оид фаолиятда яққол кўриш мумкин. Бунда ўқитувчи амалий фаолиятдан назарий таҳлил ва умумлаштиришга ўтади. Мазкур ёндашувларда технология таълими жараёнига хос бўлган инновацион қарашлар ва усуллар ўз ифодасини топади.

Ўқитувчи фаолиятининг ташхислаш характериға эғалиғи психологик педагогик тадқиқотлар натиғасини таълим амалиётига тезкор татбиқ этиш имконини беради. Назорат қилиш ва бағолаш методикалари профессор-ўқитувчилар томонидан тезкор маслаҳатлар бериш, махсус семинарлар ва тренинғлар ташкил этиш, конференцияларда чиқишлар қилиш, туркум маърузалар ўқиш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига етказилади.

Алоҳида ўқитувчи ёки таълим муассасаси тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, умумий ўрта таълим мактабларида ишлайдиган технология фани ўқитувчилари томонидан амалға оширилади. Бундай ишларни ташкил этиш муайян мақсадларға кўра амалға оширилади:

1. Илғор ўқитувчи ўзи илғари сурган муаллифлик ғояси, унинг истиқболи ҳақида зарур маълумотлар бера олади.
2. Педагоғлар ўзларининг муаллифлик ғояларини илмий маърузалар, мақола ва тезислар ёрдамида оммалаштирадилар.
3. Муаллифлик ғояси уни илғари сурган педагоғ томонидан илмий методик жиҳатдан асосланади ҳамда самарадорлик даражаси кўрсатилади. Шунинг учун ҳам бўлажак технологик таълим

ўқитувчиларини новатор ўқитувчилар, инновацияларнинг муаллифлари билан яқиндан таништириш, улар иштирокида семинарлар ва тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Профессор-ўқитувчилар ўз зиммасига нафақат педагогик инновацияларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш, балки улар асосида ўқитувчилар фаолиятига тузатишлар киритиш бўлажак педагогларнинг касбий билимдонлиги ва маҳоратини бойитиш вазифасини ҳам олади.

5. Профессор-ўқитувчилар педагогик мониторинг ўтказиш, ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш, баҳолашда янги методлар, технологиялардан унумли фойдаланиш тажрибасини бўлажак технологик таълим ўқитувчилари фаолиятига сингдириш билан ҳам тизимли тарзда шуғулланадилар.

Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини эгаллаш бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг педагогик имкониятларини кенгайтиради. Назорат ва баҳолаш методлари ўзининг аниқ мазмуни ва таркибига эга. Назорат ва баҳолаш методларининг бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий маҳоратларини ривожлантиришга хизмат қиладиган жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- назорат методларининг янгилиги ва аниқ натижаларни олиш имкониятига эгаллиги;
- назорат методларининг қулайлиги;
- назорат методларининг педагогик амалиётда қўллаш имкониятига эгаллиги кабилар.

Назорат методларининг асосий хусусияти уларнинг янгилиги, илмий тадқиқот натижалари ҳамда илғор педагогик тажрибаларга асосланганлигидадир. Назорат методларининг янгилиги бир неча даражаларда намоён бўлади. Улар: абсолют даража; локал-абсолют даража; шартли даража; субъектив даража кабилар. Бу назорат методларининг қўлланиш даражаси ва натижаларнинг аниқлиги билан боғлиқдир.

Назорат методлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида оптималлик ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг кафолатланган натижага эришиш учун куч-қувват сарфлашларини тақозо этади. Фан ўқитувчилари ва таълим олувчилар ўзларининг педагогик ҳамда ўқув фаолиятларида турлича даражадаги самарадорликка эришадилар. Таълим жараёнида назорат методларини қўллаш асосида кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда юқори самарадорликка эришиш ҳамда кафолатланган натижа олиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам назорат методлари таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашга хизмат қилади.

Назорат методларининг кўрсаткичи сифатида натижаланганлик технологик таълим ўқитувчиси ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришгандагина намоён бўлади. Кўрсаткичлардаги аниқлик, кузатувчанлик, натижаларнинг қайд этилганлиги ўқитишнинг янги усуллари, методларини баҳолаш орқали намоён бўлади. Мазкур кўрсаткичнинг аҳамиятли жиҳати таълим олувчилар, уларнинг идроки ва тушунчаларини шакллантиришнинг яхлитлигида ифодаланади.

Кенг қўламли педагогик тажрибаларда назорат методларини ижодий қўллаш педагоглар фаолиятининг дастлабки босқичида намоён бўлади. Мазкур методика тажриба-синовдан ўтказилиб, объектив баҳолангандан сўнг оммавий тарзда қўллаш учун тақдим этилади. Ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган назорат ва баҳолаш методларидан фойдаланган ҳолда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий лаёқатларини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида муайян билимлар ва улардан фойдаланиш мезонларини билиш бўлажак ўқитувчи касбий фаолиятнинг турли шакллариини ўзлаштириши учун қулай шароит яратади. Педагогик фаолиятнинг эсда қолган билимларни такрорлаш шаклидан бошлаб, илмий педагогик жамоатчиликка маълум бўлган ғоялар, концепциялар, технологияларни ўз шахсий фаолиятига сингдиришдан уларни эвристик, ижодий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қадар бўлган фаолият

бўлажак технологик таълим ўқитувчилари кундалик ўқув ҳаракати мазмунини ташкил этиши лозим.

Таълим муассасалари амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчилар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ва ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга бирёқлама ёндошмоқдалар. Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаларининг аксарият қисми ўқитувчилар фаолиятида қўлланилмаётганлигининг иккита асосий сабаби мавжуд. Улар:

1. Таълим муассасаларида қўлланилаётган назорат ва баҳолаш методикаларининг самарадорлик даражаси етарлича аниқланмаган.

2. Назорат ва баҳолаш методикаларини жорий этишнинг ташкилий, техник, педагогик, психологик асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Шунинг учун ҳам назорат ва баҳолаш методикаларини бўлажак технологик таълим ўқитувчилари фаолиятига сингдириш педагогик эҳтиёжга айланмоқда.

Ўқув жараёнида назорат ва баҳолаш методикаларидан самарали фойдаланиш учун ўқитувчиларда янгиликларни қабул қилиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг объектив баҳолашга оид педагогик-психологик, методик билимларини мунтазам бойитиш талаб этилади. Ёш ўқитувчилар назорат ва баҳолаш методикасини яхши ўзлаштирганликлари натижасида баҳолашга оид мавжуд стереотиплар бартараф этилади, таълим олувчилар ва педагоглар орасидаги қарама-қаршиликлар бартараф этилиб, улар орасидаги босим пасаяди.

Биз тажриба-синов давомида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлашда турли-туман ташхислаш методларидан фойдаландик. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий таълим натижаларини баҳолашга тайёрлик даражалари ташхислаш методи ёрдамида таҳлил қилинди. Чунки, ташхислаш методлари профессор-ўқитувчиларга бўлажак технологик

таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид мавжуд билим, кўникма ва малакаларини тезкор аниқлаш имконини берди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларда ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантиришга йўналтирилган тўлақонли мақсадли фаолият амалга оширилди.

Ташхислаш методикаларини қўллаш асосида ҳар бир бўлажак ўқитувчи тажрибасида ижобий, ривожлантирувчи ҳолатлар билан бир қаторда бўшлиқлар ҳам аниқланди. Бўлажак ўқитувчи таълим муассасасида самарали фаолият кўрсатиши учун унинг иш тажрибасида мавжуд бўлган ижобий ҳамда салбий жиҳатларни ташхислаш асосида яққол кўрсатиш талаб этилади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий жиҳатдан ривожланганлик даражаларини ўрганиш мақсадида қўлланиладиган ташхислаш методлари қуйидагилардан иборат. Жумладан:

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг педагогик эҳтиёжлари, қизиқишлари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишларини тизимли тарзда ўрганиш, бунда улар фаолиятида учрайдиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган илғор ғоялар, концепциялар ҳамда педагогик тажрибаларни излаб топиш ва олий таълимамалиётига жорий этиш;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг баҳолашга оид кўникмаларини аниқлашда турли-туман ташхислаш методикаларидан фойдаланиш; бунда намойиш қилиш, тасвирлаш, очиқ дарслар ўтказиш, янги манбалар устида ишлаш, маърузалар ташкил этиш, тажриба-синов ишларида иштирок этиш каби иш турларидан фойдаланилди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини

ташхислаш асосида ўрганишга йўналтирилган амалий ишлар бир неча босқичларда ўтказилди:

1. Дастлабки босқичда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларидан анкета сўровлари, анкета саволларига олинган жавоблар ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинди, ҳар бир бўлажак ўқитувчи билан ўқув жараёни натижаларини баҳолашга оид индивидуал суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказилди, ташхислаш натижалари ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2. Мазкур босқичда биринчи босқич натижалари асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг баҳолашга оид касбий-педагогик билимларини оширишга йўналтирилган тадбирлар режалаштирилди ҳамда уларни амалга ошириш йўллари кўрсатилди.

3. Ушбу босқичда амалга оширилган ишлар яқунланиб, такрорий ташхислаш амалга оширилди. Ушбу жараёнда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг баҳолашга оид фаолияти назорат қилиниб, оралиқ ҳамда якуний натижалар қўлга киритилди. Улар фаолиятида вужудга келган ўзгаришлар ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ҳосил бўлган баҳолашга оид билим, кўникма, малакалар ҳамда касбий тажрибалар ташхисланди ҳамда уларни ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методлари билан қуроллантириш касбий педагогик таълим жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Олий таълим жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий лаёқатнинг турли қирраларини ўзлаштириш билан бир қаторда таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларига ҳурмат билан қараш, уни объектив баҳолашга ҳам ўрганадилар. Худди мана шу аснода бўлажак ўқитувчининг шахсий-касбий сифатлари таркиб топади. Олий таълим жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчилари нафақат назорат ва баҳолаш методикаларини ўзлаштирадилар, балки ўқув жараёнида вужудга келган бўшлиқларни аниқлаш ва коррекциялаш усулларини ҳам билиб оладилар. Бўлажак ўқитувчининг

истикболдаги касбий маҳорати, ижодкорлиги олий таълимжараёнида унинг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ.

Турли ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этишда шахслараро муносабатлар назариясига таяниш талаб қилинади. Чунки, шахслараро муносабат инсоннинг шахсий майлларига боғлиқ. Шунга кўра, бўлажак ўқитувчининг касбий мойиллигини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Биз бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий майлларини аниқлаш асосида уларнинг педагогик фаолият моҳиятини қай даражада англашларига эътибор қаратдик. Шу асосда қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик:

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолаш ва ривожлантиришга бўлган қизиқишнинг мавжудлиги;

- баҳолаш методикаларини ўзлаштиришга бўлган интилишнинг шаклланганлиги;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, ундаги бўшлиқларни аниқлаш, коррекциялаш истагининг устиворлиги;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида баҳолашга оид касбий педагогик лаёқатнинг шаклланганлиги;

- бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини рефлекциялаш кўникмасининг мавжудлиги кабилар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг мазкур фаолиятни эгаллашга мойиллиги, таълим олувчиларга бўлган муносабатлари, уларнинг ўқув ютуқларини кўпайтиришга бўлган қизиқишлари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда гуруҳлаганда, аксарият талабалар ушбу касбни ўзларининг касбий майллари ва талабалар билан

ишлашга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлаганликлари аниқланди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида мавжуд бўлган касбий педагогик мойиллик ушбу фаолиятни пухта эгаллашга бўлган интилишнинг асосини ташкил қилганлиги аён бўлди. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатишда бир қатор муаммоларнинг ечимини таъминлаш лозим. Жумладан:

- бўлажак технологик таълим ўқитувчилари олдига ўқув жараёни натижаларини объектив баҳолаш методларини пухта ўзлаштириш мақсадини қўйиш;

- олий таълимтаълимнинг назорат қилиш ва баҳолаш методикалари билан бойитиш;

- баҳолашнинг янги ташкилий шакллари ва методикаларини ўқув жараёнига тадбиқ этишга бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўргатиш кабилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ечиш олий таълимдастурларига муайян ўзгартиришлар киритишни талаб қилмоқда.

Олий таълимтаълимда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат педагогик фаолият амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим тизимида гуманистик нуқтаи назарнинг ривожланиши, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ахлоқий ҳамда касбий етуклик, фаоллик, мустақиллик, назарий-таҳлилий фаолиятга ундаш имконини беради. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатиш натижасида уларда касбий ижодкорлик, ўз касбий мавқеларини мустаҳкамлаш, истиқболдаги педагогик фаолиятга ўзларини тайёрлаш ва бу соҳада муваффақият қозониш имкониятларини излаш лаёқатларини шакллантиришга хизмат қилади.

3.3-§. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ўқув жараёни натижаларини баҳолашга ўргатишга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили

Тажриба-синов ишлари жараёнида тавсия этилган махсус методика ёрдамида респондент талабаларда ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш, баҳолаш тушунчалари моҳиятининг англашганлиги, шу соҳадаги методик билимлардан хабардорликлари ҳамда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик ҳолатини тажриба-синов ишларининг боши ва охиридаги натижаларга таянган ҳолда қиёсий ўрганиш мақсадида анкета, суҳбат, педагогик топшириқлардан кенг фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларида Жиззах ДПИ, Самарқанд ДУ ҳамда Навоий ДПИ нинг касбий таълим йўналишидаги жами 417 нафар талабалари иштирок этдилар. Кўрсатиб ўтилган мезонлар бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берди.

3.1-жадвал

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси

Баҳолаш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси	Даража кўрсаткичлари
Юқори даража	Ўқув жараёни натижалари ва таълим олувчиларнинг ўқув ютуқларини таҳлил қилишга мойилликнинг шаклланганлиги; таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва объектив баҳолаш истагининг мавжудлиги; ўқув жараёни натижалари

	хақида аниқ ахборот тўплай олишлари; ўқув жараёни натижаларини баҳолаш методларини ўз ўрнида қўллай олишлари.
Ўрта даража	Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид онгли касбий муносабатнинг шаклланганлиги; назорат қилиш ва баҳолашга оид методик билимларнинг ўзлаштирилганлиги, ташаббускорлик, рефлексив фаоллик кўрсата олишлари, ўқув жараёни натижаларини баҳолаш методларини ўз ўрнида қўллай олишқўникмаларинингетарлича шаклланмаганлиги.
Қуйи даража	Ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга нисбатан таҳлилий касбий муносабатнинг таркиб топганлиги, баҳолаш методларининг етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги, ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш методларидан ўз ўрнида фойдалана олмасликлари.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш қўникмаларининг шаклланганлик даражасини баҳоловчи методиканинг эмпирик таҳлилини батафсил ёритишга ҳаракат қилдик. Шунга кўра, диссертациянинг навбатдаги саҳифаларида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили устида фикр юритамиз.

Тажриба-синов ишларини яқунловчи босқичида респондент-талабалар эътиборига ҳавола этилган сўровнома ва педагогик топшириқларга яна бир бор жавоблар олинди. Шунингдек, улар билан педагогик амалиёт даврида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган давра суҳбатлари, кичик машғулотлар, масалаҳатлар, амалий тренинглар ташкил этилди.

Бу босқичда режалаштирилган ишларнинг асосий мақсади – респондентларда ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методлари устида ишлаш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини таҳлил қилишга интилдик.

Тажриба-синов ишлари жараёнида амалга оширилган кузатиш, назарий-эмпирик таҳлил натижаларига асосланиб, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларининг шаклланиши мураккаб педагогик жараён бўлиб, бунда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида рефлексив фаолият тажрибасини шакллантириш орқали ўқув жараёнини назорат қилиш ва объектив баҳолаш тажрибасини таркиб топтириш мумкин, деган хулосага келдик. Вужудга келтирилган педагогик вазиятлар бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларининг намоён бўлиши, уларнинг мавжуд методикалардан ўз ўрнида фойдалана олишларини таъминлаш учун қулайлиги кузатишларимиз давомида аниқланди.

Яқунловчи тажриба-синов ишлари давомида профессор-ўқитувчилар билан “Замонавий назорат қилиш ва баҳолаш методикалари” мавзусида махсус семинар-тренинг ташкил этилди. Бунда респондент педагогларга бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаларини ўргатиш, аниқланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун зарур маслаҳатлар беришга эътибор қаратилди.

Яқунловчи тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳларига жалб этилган респондент-талабалар билан машғулотлар ташкил этилди. Машғулотлар асосан умумкасбий фанлар блокадаги педагогик туркум фанлар доирасида амалга оширилди. Машғулотларда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларига ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга оид зарур маслаҳатлар, тавсиялар берилди. Шунингдек, улар назорат ва баҳолаш методикаларини ўргатишга йўналтирилган ишланмалар билан таъминландилар. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни белгиланган

мезон талаблари асосида ишлаб чиқилди ва тажриба-синов майдонларига татбиқ этилди. Бунда назорат ва рефлексив таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Яқунловчи тажриба-синов босқичида респондент-талабаларнинг анкета саволларига берган жавобларини таҳлил этар эканмиз, биринчи босқич натижаларига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Тажриба-синов ишларининг педагогик топшириқлар асосида ўтказилган иккинчи босқич натижалари биринчи босқич натижаларидан тубдан фарқ қилди. Бунда бўлажак технологик таълим ўқитувчилари эътиборига ҳавола этилган 5 та педагогик топшириқ

1 Биринчи топшириқ.

